O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИДА ЯНА БИР БЕКАТ – СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИГА НАВБАТ!

Куч — адолатда

АДОЛАТ

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

2004 йил 31 декабрь

№ 49-52 (493-496)

ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Кичкинтойларнинг катта байрами

ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ

Болалар — миллат келажаги. Шу боис юртимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ёш авлоднинг соғлом, ҳар томонлама етук ва баркамол инсон бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳар йили мамлакатимизда «Президент арчаси» томошаларининг ўтказилиши, кичкинтойларга Юртбошимиз номидан совға-саломлар улашилиши ана шу ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунасидир.

Кичкинтойларнинг бу йилги қувончли байрами пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги саройида ўтказилди. Тадбир «Sen yolg`iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ташкилотчилигида ўтди.

Байрамга Тошкент шаҳридаги барча Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар, «SOS-Болалар маҳалласи» тарбияланувчилари, маҳаллаларда истиқомат қилаётган ота-она меҳридан бебаҳра болалар, оила бошлиқлари хизмат вазифасини ўташ вақтида ҳалок бўлганларнинг фарзандлари таклиф этилди.

Айтиш жоизки, якунланиб бораётган Меҳр ва мурувват йилида айнан ардоқ ва эъзозга эҳтиёжманд, қаровчисини йўқотган оила фарзандларига эътибор кўрсатиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашдек хайрли ишлар кўлами янада кенгайди. Бундай савобли ишларга нодавлат ташкилотлар ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

«Sen yolg`iz emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси шундай фаол ташкилотлардандир. Жамғарма болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, истеъдодини рўёбга чиқариш, келгусида жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун кўмаклашишга қаратилган кўплаб тадбирларни амалга оширмоқда.

... Мусиқа янграйди. Томошабинлар - кичкинтойлар Қорбобо, Зумрад, Мусиқа қироличаси, Ўйинчоқлар маликаси каби эртак қаҳрамонлари билан биргаликда «Сеҳрли китоб» театрлаштирилган томошасининг бевосита иштирокчисига айланади. «Томоша», «Семурғ» каби мусиқий гуруҳлар, эстрада юлдузлари, цирк усталарининг чиқишлари тантаналарга алоҳида завқ ва шавқ бахш этди.

Томошалар якунида болаларга давлатимиз раҳбари номидан совғалар улашилди.

«Президент арчаси» томошалари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда давом этади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ БЎЙИЧА АЙРИМ ОКРУГЛАРДА ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

2004 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўлиб ўтди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тўла мувофиқ равишда ошкоралик ва очиқлик руҳида ўтган сайловда 12 миллион 197 мингдан зиёд киши ёки сайловчиларнинг 85,1 фоизи қатнашди. 94 округда ёки округлар умумий сонининг 78 фоизида битта депутатлик ўринга 4-6 номзод қўйилган эди.

Округ сайлов комиссияларининг 2004 йил 26 декабрда ўтказилган сайлов натижалари бўйича баённомаларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси овоз бериш натижалари бўйича 58 та сайлов округида номзодлардан биронтаси ҳам сайланиш учун зарур бўлган овозлар сонини тўпламаганлигини аниқлади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 45-моддасига, шунингдек «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарор қилади.

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 58 та сайлов округида такрорий овоз бериш 1-иловага мувофиқ 2005 йил 9 январда ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки,

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 45-моддаси биринчи қисмига мувофиқ такрорий овоз бериш асосий сайлов даврида сайловчиларнинг энг кўп овозларини олган икки нафар номзод бўйича ўтказилади;

такрорий овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун ташкил этилган сайлов участкаларида сайловчиларнинг ўша рўйхатлари бўйича ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ ўтказилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича такрорий овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан тадбирлар дастури тасдиқлансин.

3. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи тегишли округ сайлов комиссиялари такрорий овоз беришни «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказишни таъминласинлар.

4. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси Раиси Б.МУСТАФОЕВ
Тошкент шаҳри, 2004 йил 29 декабрь

ЯНГИ ЙИЛ ОСТОНАСИДА

Замин узра товланади қор,
Лекин дилда жўшади баҳор.
Севинчимга дунё келиб тор,
Энтикаман кўзга ёш қалқиб,
Янги йилнинг остонасида.

Шундай бўлиб қолган то абад,
Вақт ўлчовин олади соат.
Ўн икки ойга етган бу тоқат –
Тоқ бўлади милларга боқиб,
Янги йилнинг остонасида.

Кел, ватандош, дил сўзини айт,
Дилдан сўзлаш палласи бу пайт.
Сарҳисоб қил, эт умрингни қайд.
Армонларинг кетмасин ёқиб,
Янги йилнинг остонасида.

Ҳар гўшада тўкис, омонлик,
Янги йилим – янги довонлик.
Кўрма дея асло ёмонлик,
Қутлашайлик чеҳралар балқиб,
Янги йилнинг остонасида.

Кунлар кечди дардли, долғали,
Гоҳи қилич, гоҳи болғали.
Ёнар букун ҳурлик машъали,
Келди яшаш, яратиш гали,
Янги йилнинг кошонасида.

Йиллар ўтар мисоли карвон,
Янги йилдир уларга сарбон.
Йиллар ила улғайган инсон,
Юрагида чақнасин ёлқин,
Янги йилнинг кошонасида.

Не тиларман қутлуғ онингда,
Тинчлик малҳам бўлсин жонингга.
Мустақиллик сингиб қонингга,
Ризқ-рўз тўлсин дастурхонингга,
Танти ўзбек, эй она халқим,
Янги йилнинг кошонасида.

Минг баҳорлар бўлсин парвона,
Ҳар жабҳангда яшаб мардона.
Яхшиликка доим бўл она,
Юрагимда шундайин тўлқин,
Янги йилнинг остонасида.

Умринг пойдор бўлиб, ватандош,
Кўзларингга ҳеч инмасин ёш,
Бошинг узра порласин қуёш,
Ўпгил доим қувончга тўлиб,
Зафарларнинг пешонасидан.

Ҳар йил берар бизга саодат,
Йилни сийлаш азалий одат.
Кетар йилим – «Меҳр-мурувват»,
Келар йилим – «Сиҳат-саломат».
У ҳам кулар ойдайин тўлиб,
Янги йилнинг кошонасида.

Дуоларга очар бўлсанг қўл,
Янги йилим, шон-шарафга тўл.
Сен ҳам, Темур, доим сафда бўл,
Ашъоринг ёз заҳматкаш бўлиб
Янги йилнинг кошонасида.

Темур УБАЙДУЛЛО

ОРЗУЛАР АЙЁМИ

Ўн икки ой сени кутар одамлар,
Табрик учун суҳан тузар одамлар,
Ҳар орзуга айём сабаб аслида,
Азиз байрам, сени кутар одамлар,
Кел, Янги йил, сабий каби шошиб кел,
Шодликларнинг уруғини сочиб кел.

Эй Янги йил, қалбимиздек жўшиб кел,
Ёшимизга яна бир ёш қўшиб кел,
Ҳар йилгидек азиз меҳмон ўзингсан,
Эзгуликнинг қанотида учиб кел,
Кел, Янги йил, Амудайин тошиб кел,
Саховатнинг эшигини очиб кел.

Тингла, дилда тошган ширин сўзларни:
Майли, йиллар кексайтирса бизларни,
Ажин қоплаб олса ҳамки юзларни,
Нурга буркаб бизлар босган изларни,
Эй Янги йил, довонлардан ошиб кел,
Олам-олам бахт гулларни сочиб кел.

Абдуғани СУЛАЙМОН

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2004 йил 29 декабрдаги қарорига 1-илова

ТОШКЕНТ ШАҲРИ
3-Темирйўл сайлов округи
5-Қўйлиқ сайлов округи
7-Дўмбиробод сайлов округи
8-Ҳадра сайлов округи
10-Астробод сайлов округи
11-Тўқимачи сайлов округи

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ
14-Балиқчи сайлов округи
16-Асака сайлов округи
18-Булоқбоши сайлов округи
19-Жалолқудуқ сайлов округи
20-Қўрғонтепа сайлов округи
21-Избоскан сайлов округи

БУХОРО ВИЛОЯТИ
26-Варахшо сайлов округи

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ
31-Дўстлиқ сайлов округи

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ
34-Навоий сайлов округи
35-Қизилтепа сайлов округи
37-Хатирчи сайлов округи

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ
38-Поп сайлов округи
39-Чуст сайлов округи
42-Янгиқўрғон сайлов округи
43-Уйчи сайлов округи

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
48-Суғдиёна сайлов округи
49-Булунғур сайлов округи
50-Иштихон сайлов округи
52-Қорадарё сайлов округи
53-Нарпай сайлов округи
54-Оқдарё сайлов округи
55-Пастдарғом сайлов округи

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ
61-Сайхун сайлов округи
62-Янгиер сайлов округи

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ
63-Шеробод сайлов округи
64-Ангор сайлов округи
65-Термиз сайлов округи
66-Жарқўрғон сайлов округи
67-Қумқўрғон сайлов округи
68-Шўрчи сайлов округи

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
71-Ангрен сайлов округи
73-Бўка сайлов округи
75-Зангиота сайлов округи
77-Паркент сайлов округи
78-Тўйтепа сайлов округи
79-Чиноз сайлов округи
80-Чирчиқ сайлов округи

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
83-Бешариқ сайлов округи
84-Данғара сайлов округи
85-Яйпан сайлов округи
86-Қўқон сайлов округи
89-Риштон сайлов округи
91-Охунбобоев сайлов округи
93-Фарғона сайлов округи
94-Водил сайлов округи
95-Тошлоқ сайлов округи

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ
104-Қарши сайлов округи
106-Қамаши сайлов округи
110-Китоб сайлов округи

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
114-Нукус сайлов округи
118-Хўжайли сайлов округи
119-Чимбой сайлов округи

МАМЛАКАТИМИЗ САНЪАТИНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири А.Иванова).

Янги йил арафасида мамлакатимизда "Янги авлод" болалар ижодиёти Республика фестивали бўлиб ўтди. У "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" фонди томонидан ташкил этилди. Фестивалда республиканинг турли ҳудудларидан 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган иқтидорли болалар — ёш рассомлар, мусиқачилар, шоирлар, хонандалар, раққосалар иштирок этди.

Самарқанд ва Тошкентда ўтган бир неча босқичда энг истеъдодли болалар танлаб олинди. 21 ёш санъаткор фестивал лауреати бўлди. Уларга дипломлар ва совринлар топширилди.

Пойтахтдаги байрамона безатилган Халқлар дўстлиги саройида ўтказилган лауреатларнинг гала-концерти фестивалга якун ясади. Гала-концертни Москванинг "ДоМи-Соль и К" болалар қўшиқлари театрининг ёш артистлари бошлаб берди. Сўнгра ташкилотчилар томонидан эртаклардаги каби янги йил қасрига айлантирилган саҳнада ажойиб томоша бошланди. Фестиваль лауреатларининг чиқишларида Ватанимиз кўп қиррали санъатининг барча жиҳатлари акс этди. Қадим мақомлар ва замонавий эстрада қўшиқлари, Ўзбекистонда яшаётган турли миллат вакилларининг маданияти билан таништирувчи мусиқий композициялар янгради, ёш артистлар жўшқин рақслар ижро этди.

Мамлакатимизда болалар ижодиётини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ушбу фестиваль буни яна бир бор тасдиқлади. Республикамизда фаолият юритаётган юзлаб марказларда иқтидорли фарзандларимиз ўз истеъдодларини такомиллаштириш имкониятига эга. Улар учун кўплаб танловлар ўтказилиб, ёш рассомлар, шоирлар, мусиқачиларнинг янги номлари кашф этилмоқда. Уларнинг кўпчилиги халқаро танловларда қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритмоқда. Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш учун барча шароит яратилган ва бу давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлашга доир давлат дастурларини амалга оширишда жамоат ташкилотлари, жумладан, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" фонди фаол иштирок этмоқда.

Гала-концертда ўзбек эстрадасининг ёрқин намояндалари ҳам иштирок этди.

ЯНГИ ТЕЗЮРАР ПОЕЗД БУХОРОГА ЙЎЛ ОЛДИ

Маълумки, жорий йилнинг бошида Самарқандга "Регистон" деб номланган тезюрар поезднинг қатнови бошланган эди. Эндиликда эса Тошкентдан Бухорога жаҳон андозаларига тўла жавоб бера оладиган "Шарқ" деб номланувчи поезднинг биринчи қатнови амалга оширилди. Президентимиз Ислом Каримов Тошкентдаги вагонларни таъмирлаш заводининг очилишида иштирок этиб, ушбу корхона жамоаси олдига йўловчи ташувчи вагонларни таъмирлаш билан бирга янги русумдаги вагонларни йиғиш вазифасини қўйганди. Корхона ишчи мутахассислари йўловчи ташиш вагонларининг ўзига хос, яъни маҳаллий шароитга мос лойиҳасини ишлаб чиқди. Ана шу мақсадда вагон таъмирлаш заводида 18 та замонавий вагон йиғилди. Вагонларнинг ташқи ва ички кўринишлари замонавийлаштирилди. Бундан ташқари мамлакатимизда тезюрар электр поездларнинг фаолиятини кенгайтириш мақсадида Тошкентдан Самарқандга ҳам Бухорога 12,5-13 соатда бораётган бўлса, тезюрар поезд саккиз соатга етиб борди. Поезднинг доимий равишда йўлга қўйилиши эса қадимий ва навқирон Бухорога сайёҳларнинг келишини ҳам кўпайтиради.

Алоуддин ҒАФФОРОВ

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

29 декабрь куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов бўйича айрим сайлов округларида такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев 26 декабрда сайлов қонун доирасида, очиқлик ва ошкоралик асосида ўтганини ҳамда округ сайлов комиссияларидан олинган баённомаларни ўрганиб чиқиш натижасида ушбу сайловда Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 58 округдан депутатликка номзодлар зарур миқдордаги овоз тўплай олмагани аниқланганини маълум қилди.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси 2005 йилнинг 9 январида депутатликка икки нафардан ортиқ номзод қўйилган, аммо улардан биронтаси ҳам сайланмаган тегишли сайлов округларида, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Такрорий овоз бериш сайлов ўтказиш учун тузилган аввалги сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг ўша рўйхатлари бўйича ташкил этилади.

Такрорий овоз беришни ўтказиш даврида сиёсий партиялар, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари ва депутатликка номзодлар сайловолди ташвиқотини олиб боришда белгиланган аввалги тартиб-қоидаларга амал қилади. Сайловолди ташвиқоти такрорий овоз беришни тайинлаш тўғрисидаги қарор расман эълон қилинган кундан бошланади ҳамда такрорий овоз бериш куни арафасида тўхтатилади.

Марказий сайлов комиссияси такрорий овоз беришга тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурини тасдиқлади.

Мажлисда кўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА мухбири

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги халқаро кузатувчиларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказилишини кузатиш натижалари бўйича БАЁНОТИ

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги халқаро кузатувчилари 2004 йил 26 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси депутатлари сайлови мониторингида иштирок этди.

I. Кузатишни ташкил этиш

Парламент сайловига тайёргарликнинг боришини ва унинг ўтказилишини кузатиш Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 7 октябрдаги таклифига биноан ташкил этилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кузатувчилар миссияси бевосита Ўзбекистон Республикасида 2004 йил 30 ноябрда ўз ишини бошлади.

Ҳамдўстлик Кузатувчилар миссияси фаолиятини таъминлаш мақсадида Тошкентда Миссиянинг штаби, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида эса унинг бўлимлари очилди.

МДҲ кузатувчилари сайловнинг халқаро кузатилишини амалга ошириш учун уларга зарур ҳуқуқий ва ташкилий-техникавий шароит яратилганини таъкидлайдилар.

МДҲ Кузатувчилар миссияси вакиллари Ўзбекистон сайлов қонунчилигини ўрганиш, Марказий сайлов комиссияси фаолияти, барча даражадаги сайлов комиссиялари иши билан танишиш ва улардан зарур ахборот олиш, депутатликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари, депутатликка номзод кўрсатган барча сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари билан мулоқотда бўлиш, сайлов участкаларини эркин кўздан кечириш имкониятига эга бўлдилар.

МДҲ кузатувчилари ўз фаолиятида халқаро ҳуқуқ меъёрларига, Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигига, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда Демократик сайловлар, сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларига оид андозалар тўғрисидаги конвенция қоидаларига, МДҲ доирасида қабул қилинган бошқа ҳужжатларга асосландилар. МДҲ Миссияси сиёсий бетарафлик, холислик, Ўзбекистон Республикасидаги сайлов жараёнига аралашмаслик принципларига асосланган ҳолда сайловни кузатиш натижалари ҳақидаги ўз хулосаларини чиқарди.

II. Сайлов жараёнини кузатиш

Сайлов жараёнини Ҳамдўстлик давлатларидан 78 нафар халқаро кузатувчи кузатиб борди. Уларнинг бир қисми узоқ муддатли асосда сайлов мониторингини ўтказди. Улар ўз фаолияти давомида республиканинг аксарият ҳудудларидаги округ ва участка сайлов комиссияларида бўлдилар. Марказий сайлов комиссияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва сайлов кампанияси ўтказилишини таъминловчи бошқа давлат бошқарув органлари раҳбарияти, шунингдек депутатликка номзодлар кўрсатган ташаббускор гуруҳлар, сайловда қатнашаётган барча сиёсий партиялар вакиллари билан учрашдилар.

МДҲ кузатувчилари ўз вазифаларини бажариш чоғида сиёсий партияларга, депутатликка мустақил номзодларга, Ўзбекистон Республикаси ҳокимият ва бошқарув органларига нисбатан ҳеч қандай ҳайрихоҳлик билдирмади, баҳо бермади.

МДҲ Кузатувчилар миссияси Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигини таҳлил қилиб чиқди, сайлов жараёнининг қуйидаги босқичлари мониторингини амалга оширди: — сайлов округлари ва участкаларини, округ ва участка сайлов комиссияларини тузиш;

- депутатликка номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш;
- сайловолди ташвиқотини ўтказиш;
- сайлов куни овоз бериш ва сайловчиларнинг овозларини санаб чиқиш.

МДҲ кузатувчилари сайлов кампаниясининг барча босқичлари қонунчиликда белгиланган муддатларда ва Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар календарь режасига мувофиқ ўтганини қайд этадилар.

Кузатиш натижаларини умумлаштириш ва бир тизимга солиш асосида сайловга тайёргарликнинг бориши таҳлил қилинди. МДҲ Кузатувчилар миссиясининг дастлабки баҳолари дастлабки ахборотномада баён этилди.

Ўзбекистон Олий Мажлиси қонунчилик палатасига сайловни кузатишда бошқа халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлардан 149 кузатувчи иштирок этди. Округ сайлов комиссиялари томонидан 30 000 дан ортиқ маҳаллий кузатувчи, республика ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг 500 га яқин журналисти аккредитация қилинди.

Халқаро кузатувчиларнинг таклиф этилганлиги, шунингдек сиёсий партиялар, мустақил номзодлар ва оммавий ахборот воситалари вакилларига сайлов жараёнининг барча босқичларини кузатишда иштирок этиш имконияти яратилганлиги Ўзбекистон Республикасининг сайловларда ошкоралиқни таъминлаш ва ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларга амал қилишга интилишидан далолатдир.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кузатувчилар миссияси мониторинг давомида халқаро ва маҳаллий кузатувчилар билан амалий ҳамкорликда ишлади.

Шахсий кузатиш натижалари, сайлов жараёни иштирокчилари билан мунтазам мулоқотларда олинган маълумотлар Ҳамдўстлик кузатувчиларига Ўзбекистон Республикаси парламенти депутатлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида холисона фикрга келиш имконини берди.

III. Сайлов ўтказишнинг қонунчилик асослари

Парламентнинг қуйи палатасига сайловнинг қонунчилик асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидалари, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорларидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси парламенти (Олий Мажлис) халқ хоҳиш-иродасига асосан бир палаталикдан икки палаталикка айлантирилди ва у қонунчилик палатаси ҳамда Сенатдан иборатдир. МДҲ халқаро кузатувчилари 1999 йилги парламент сайловидан кейин ўтган давр мобайнида сайлов қонунчилигининг қатор ҳуқуқий меъёрлари сайлов тизимини демократлаштириш йўналишида такомиллаштирилганини қайд этадилар.

Жорий этилган энг муҳим янгиликлар қаторига маҳаллий Кенгашларнинг депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи бекор қилинганлигини, сиёсий партиялар депутатликка номзодлар кўрсатганда хотин-қизлар учун квота белгиланганлигини, шунингдек сайловолди ташвиқотини олиб боришда партиялар фаолиятини молиялаштириш масаласининг ҳал этилганлигини киритиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси очиқ, эркин ва демократик сайловни таъминлаш йўлидан изчил олға бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуни республика фуқароларининг ўз сайлаш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришлари учун етарлича ҳуқуқий шароит яратади.

IV. Номзодларни кўрсатиш ва рўйхатга олиш

Бу жараён Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидаларига кўра Олий Мажлис қонунчилик палатасига ҳудудий бир мандатли сайлов округларидан кўппартиялилик асосида 120 депутат сайланади.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи белгиланган тартибда рўйхатга олинган сиёсий партияларга, сайловчиларнинг белгиланган миқдордаги имзоларини тўплаш йўли билан фуқароларнинг ташаббускор гуруҳларига берилган.

Сайлов кампаниясида Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган беш партиянинг ҳаммаси қатнашди. Улар Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясига 467 депутатликка номзодни рўйхатга олиш учун ҳужжат топширди, шундан 461 нафари рўйхатга олинди.

Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги талабларига асосан олти номзоднинг судланганлик ҳолати тугалланмаганлиги ёки олиб ташланмаганлиги сабабли улар рўйхатга олинмади.

Округ сайлов комиссиялари томонидан фуқароларнинг 150 ташаббускор гуруҳи рўйхатга олинди, улардан 64 таси депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжат тақдим этди. қолганлари эса қонунчиликда белгиланган зарур миқдордаги сайловчилар имзоларини тўплай олмади. Саккиз нафар даъвогар тўпланган имзо варақаларидаги фуқаролар имзоларининг кўпчилиги қалбаки бўлганлиги сабабли уларни рўйхатга олиш рад этилди. Шундай қилиб, сайлов жараёнида 56 нафар мустақил номзод иштирок этди.

Сайловда парламентнинг қуйи палатаси депутатлигига 120 ўринга якуний босқичда 517 номзод даъвогарлик қилди. Шу билан бирга, сайловолди кампанияси давомида 27 номзод ўз аризасини қайтариб олди, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан кўрсатилган бир номзод Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуни 27-моддасини бузганлиги учун Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловдан четлаштирилди.

Депутатликка номзодларнинг деярли барчаси олий маълумотли, уларнинг 30 фоиздан ортиғи ҳуқуқшунос ва иқтисодиёт соҳаси мутахассислари, номзодларнинг 31 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

МДҲ Миссияси раҳбариятининг ваколатли органларга сайлов қонунчилигига риоя қилиш борасидаги сўровномаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий судига сайлов комиссияларининг депуталикка номзодларни рўйхатга олишни рад этиш билан боғлиқ ҳаракатлари бўйича тушган учта шикоят аризаси кўриб чиқилаётгани ҳақида маълумот олинди. Олий суд томонидан бу шикоятлар қаноатлантирилмаган.

V. Сайловолди ташвиқоти

Марказий сайлов комиссияси депуталикка номзодларни рўйхатга олгандан сўнг сайловолди ташвиқоти бошланди. Сайловолди ташвиқоти кампаниясининг таҳлили МДҲ Кузатувчилар миссияси томонидан 2004 йил 17 декабрда чоп этилган ахборотномада баён қилинган.

Шуни таъкидлаш керакки, умуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасига сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш очиқ ва ошкора тарзда амалга оширилди. Сайловчилар сайлов ҳаракатларини амалга ошириш муддати ва тартиби, сайловда иштирок этган сиёсий партияларнинг сайловолди платформалари ва депутатликка номзодларнинг дастурларидан хабардор қилинди. қонунчиликка мувофиқ ҳокимиятнинг ижроия органлари сайловолди тадбирларини — сайловчилар билан йиғилишлар ва учрашувларни, оммавий баҳс-мунозараларни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашди. Партиялар ва фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар ўз мақсадларини ифода этиш учун оммавий ахборот воситаларидан тенг фойдаланиш имконига эга бўлди.

Марказий сайлов комиссияси ўзининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари, депуталликка номзодларнинг оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти тўғрисида»ги қарорига мувофиқ эфир вақти ва босма майдони тақдим этиш тартибини, шунингдек, депуталликка номзодларга ўзларининг сайловолди дастурларини сайловчилар эътиборига ҳавола этиш имконини берадиган муайян умумреспублика матбаа нашрлари ва электрон оммавий ахборот воситаларини белгилади.

МДҲ кузатувчилари сайловолди курашлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги доирасида, ғирром технологиялардан фойдаланмаган ҳолда, тартибли ўтганини қайд этадилар.

VI. Овоз беришни ва овозларни санаб чиқишни кузатиш

МДҲ халқаро кузатувчилари Ўзбекистонда ташкил этилган 120 сайлов округидан 113 тасида кузатув ишларини олиб бордилар.

Кун давомида МДҲ кузатувчилари 612 участкада бўлдилар. Улар Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари, сайловчилар, номзодларнинг ишончли вакиллари, маҳаллий ва халқаро кузатувчилар билан учрашдилар.

Ҳамдўстлик Миссияси кузатувчилари борган барча участкалар ўз вақтида очилди. Уларнинг фикрича, овоз бериш жараёни осойишта ва ишчанлик муҳитида ҳамда миллий сайлов қонунчилигига тўла мос тарзда ўтди. Участка сайлов комиссиялари Ўзбекистон фуқаролари эркин ва яширин овоз беришлари учун шароитни таъминлади.

Сайлов участкаларида депуталикка номзодларини кўрсатган сиёсий партиялар ва фуқаролар ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлдилар.

Сайлов куни сайловчиларнинг фаоллигини, овоз бериш жараёни ва сайлов участкаларининг техник жиҳозланиши яхши ташкил этилганини алоҳида қайд этиш жоиз. Участкаларнинг аксариятида она ва бола хоналари, бирламчи тиббий ёрдам пунктлари ташкил этилгани ҳокимият органларининг сайловчиларга кўрсатган ғамхўрлигидан далолатдир.

Овоз бериш жараёнида МДҲ кузатувчилари томонидан айрим жузъий нуқсонлар қайд этилди. Масалан, баъзи бир сайлов участкаларида овоз бериш қутилари сайлов комиссияси ва кузатувчилар назари тушмайдиган жойларга қўйилган, бир сайловчининг оила аъзолари учун овоз бериш ҳоллари ҳам учради. Техник хусусиятга эга бошқа камчиликлар ҳам кўзга ташланди. Бироқ бундай жузъий нуқсонлар бевосита кузатиш давомида бартараф этилди.

Участкалар ёпилганидан сўнг МДҲ Миссияси аъзолари сайловчиларнинг овозлари санаб чиқилишини, участка комиссиялари томонидан сайлов натижалари тўғрисида баённомалар тузилишини кузатдилар. Бунда овозларни санаб чиқишнинг қонунчиликда белгиланган тартибини бузиш ҳоллари учрамади.

VII. Дастлабки хулосалар

МДҲ кузатувчилари ўзининг дастлабки хулосаларини фақат ўз кузатишлари, сайлов комиссиялари ва участкаларига ташриф чоғида тўпланган материал ва маълумотлар ҳамда маҳаллий ва халқаро кузатувчилар билан амалий ҳамкорлик натижасида олинган ахборотлар таҳлилига асосланиб чиқарадилар.

МДҲ Кузатувчилар миссияси Ўзбекистон парламенти қуйи палатаси депутатлари сайлови ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтди, деб ҳисоблайди. Сайловга тайёргарлик, сайловолди ташвиқотини ташкил этиш ва овоз бериш жараёнида қайд этилган жузъий камчилик ва нуқсонлар сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишига ва сайлов натижаларига сезиларли таъсир кўрсатмади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги халқаро кузатувчилари 2004 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасига сайлов Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси, сайлов комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги меъёрларига мувофиқ ўтказилди ва сайлов қонуний, эркин ва транспарентлик асосида ўтди, деб ҳисоблайдилар.

Бизнинг хулоса ва баҳоларимизни тўғри деб ҳисоблайдиган бошқа барча халқаро кузатувчиларни мазкур Баёнотга қўшилишга даъват этамиз.

МДҲ Кузатувчилар миссиясининг иши тўғрисидаги батафсил ҳисобот Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида қабул қилинган тартибга мувофиқ Ҳамдўстлик Давлат раҳбарлари кенгашига тақдим этилади.

Янги йилга янги режалар билан

МЕҲНАТ АДОЛАТНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Чуст тумани 8 йилдан бери пахта тайёрлаш режасини ҳам, ғалла тайёрлаш режасини ҳам бажармай келар эди. Баҳодир Юсупов ҳоким этиб тайинлангандан кейин биринчи йилиёқ ҳар иккала соҳада ҳам режалар ўринлатилди. Бу масала кўпчиликнинг ҳам ҳайратга солди, ҳам таажублантирди. Ер ўша, сув ўша, одамлар ўша, бироқ ўзгаришлар ўзгача... Биз яқинда туманда бўлиб Баҳодир Юсуповдан иқтисодий юксалиш омиллари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Албатта, мен ҳеч кимни қоралаш ё меҳнат қилмади дейиш фикридан йироқман. Ҳамма, жумладан ҳар бир раҳбар ҳам меҳнатга жонижаҳти билан ёпишиши мумкин. Лекин ишга, вазифасига қандай муносабатда бўлиши асосий масала... Ҳамма ҳам режани ўринлатишни истайди. Юзим ёруғ бўлсин дейди. Аммо вазифасига виждонан ёндошсагина мақсадига эришади.

Вазифасига виждонан ёндошиш нима? Бу оддий деҳқон тили билан изоҳлаганда барча агротехник тадбирларни ўз вақтида, обитобида адо этишдир. Хусусан ер экиндан бўшаши билан шудгорлаш, майдонларни экишга сифатли қилиб тайёрлаш, ерга уруғ қадалганидан кейин маҳаллий ва минерал ўғитларни ўз вақтида талаб этилгандай солиш, сувини ҳам вақтида тараш демакдир. Шундай қилинсагина деҳқон тўла ниятига эришиши мумкин.

Бу масаланинг бир томони. Асосий томони эса деҳқон, яъни фермерлар билан ишлай билиш санъати. Бу нима дегани?! Деҳқон ва фермерларга ортиқча ақл ўргатиб тергайбермасдан эркинлик бериш, доимий равишда кўнглини кўтариб туриш ва рағбатлантиришни эсдан чиқармаслик керак. Ишни бошлаган кунимдан эътиборан деҳқон-фермерлар билан бирма-бир суҳбатлашдим. Ўз эркларига қўйиб бериб, сўзларини ва талабларини тингладим. Талабларини имкон қадар қондиришга ваъда бердим.

Деҳқонлар билан хўжалик раҳбарлари орасида фикрлар номутаносибликлари содир бўлмади. Ғалла ҳам, пахта ҳам гуркираб ривожлана бошлади. Ҳокимлик томонидан "Сифат дафтарчаси"ни нашр қилиб, деҳқонларга ва техник хизматчиларга тарқатдик. Сифат борасида эришилган ютуқлар ҳар бир меҳнаткашнинг мазкур дафтарчасига қайд этиб борилди. Бу иш доимий равишда назоратда турди. Қайси деҳқоннинг иши яхши бўлаётган бўлса, шу одамнинг кўнглини кўтариб, баҳолиқудрат мукофотлаб ҳам бордик.

— Эришилган муваффақиятларни рақамларда изоҳлаб берсангиз.

— 2004 йилда 21570 гектар ерда деҳқончилик қилинди. 10541 гектар ерга ғалла экилиб, ҳар бир гектардан 44,8 центар ҳосил кўтариш ва давлатга сотиш режалаштирилган эди. Омборларга етказиб берилган ғалла 26262 тоннани ташкил этди ва шартнома асосида давлатга сотилди. Бу эса 101,6 фоизга тенгдир. 9600 гектарга чигит экиш режалаштирилган бўлиб, ҳар гектаридан ўртача 22,4 центнердан, яъни 21510 тонна пахта ҳосили олиш режалаштирилган эди. Биз гектар бошига 23 центнердан ҳосил кўтаришга эришдик. Пахтанинг 97 фоизи биринчи навларга сотилди. Бу қўшимча 5 миллиард 162 миллион сўм даромад келтирди. Пилла режасини ҳам ортиғи билан ўринладик.

— Аҳоли турмуш даражасини кўтариш борасидаги ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— 2004 йилда педагогика ҳамда маиший хизмат йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари фойдаланишга топширилди. 50 ва 10-сонли мактабларда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек 10 та таълим муассасаси, 7 та касалхонани ҳам капитал таъмирлашдан чиқарилди. Туманда 3 километрдан зиёд ичимлик сув тармоғи, 5 километрдан зиёдроқ табиий газ тармоқлари тортилиб фойдаланишга топширилди. Магистрал йўлларда обохона рўйхатдан ўтиб, ускуналар ўрнатиш ишлари бошланди. Яна 150 та кичик бизнес корхонаси ва деҳқон-фермер хўжаликлари, 1188 та янги ишчи ўринлари ташкил этилди.Олмос қишлоғида қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежини барпо этиш режалаштирилди. Тумандаги йирик тадбиркорлар ташаббускорлигида саноат ҳудудидаги фойдаланишда бўлмаган ерлар ҳисобига "Ёшлар турар жой мавзеси"ни барпо этиш ҳам режалаштирилган ва бу ишни бошлаш арафасидамиз.

— Буларнинг ҳаммаси Мустақилликнинг шарофати. Мустақилликдан илгари бундай ишларни амалга оширишни орзу ҳам қилиб бўлмасди.

— Нимасини айтасиз. "Меҳнат адолатни талаб этади", деган гап бор. Бу ота-боболарнинг кўпдан қуён қочиб қутилмас деган нақлига тўғри келади. Кўпчилик бир ёқадан бош чиқариб ишга киришса, яъни астойдил меҳнат қилса режаларни ўринлатмай қўймайди. "Адолат" сўзининг заминида самимият, олижаноблик, саховат маъноси ётади. Бировдан иш талаб қилиш осон. Аммо унинг кўнглини топиб, шароитини ўрганиб, иш талаб қилиш билан бирга нималарга муҳтожлигини, нималарга эҳтиёж сезаётганини билиб, суриштириб ёрдам қўлини чўзилса, табиийки ишлар аъло даражада бажарилади. Президентимиз бекорга: "Яхшиликни ҳар лаҳза, ҳар куни қилиш керак" демаган.

Ерга ҳам биринчи галда адолат, яъни иймон билан яқинлашиш, талабини қондириш ҳам зарур, ҳам шарт. Тирик жондан тортиб, бизга қимирламагандай туюладиган ер ва захарилар ҳам овқат талаб этади. Сув талаб этади. Ерни биз боқсак, ер бизни боқади. Боқилмаган нарсалардан умид қилиб бўлмайди. Китоб ўқиш ва илм ўрганиш билан миямизни, меҳнат қилиш билан танамизни емиш билан таъминлаймиз. Инсон донни кашф қилгандан бери узлуксиз равишда ерни ишлатиб келади ва ниҳоят бизнинг даврimizга келиб беҳад толиқтирди. Эндиликда толиққан ерни боқишимиз, белини бақувват қилиб, сўнг ундан ҳосилини талаб этсак, айни муддао бўлади, деган фикрдаман.


Туманимизда 900 га яқин фермер хўжаликлари мавжуд. "Илҳомжон" номли фермер хўжалиги ғалласини 110 фоиз, пахтасини эса 170 фоиз қилиб бажарди. "Обидабону" фермер хўжалиги эса пахтаси режасини 124 фоиз, ғалласини эса 105 фоиз қилиб ўринлатди. "Олимжон Абдулла" номли фермер хўжалиги ҳам пахтасини 120 фоиз, ғалласини эса 105 фоизга етказди. "Бобуршоҳ" фермер хўжалиги бошқалардан орқада қолмай пахта режасини 118 фоиз, ғалла режасини 110 фоиз адо этди. "Бекнур" фермер хўжалиги ишлари диққатга сазовор бўлди. Пахтасини 120 фоиз, ғалласини эса 105 фоизга кўтарди.

Ўзингиз ҳақингизда ҳам озгина маълумот берсангиз, ҳурматли газетхонларга қизиқарли бўларди.

19982 йили Тошкент политехника олийгоҳининг инженер-технологик бўлимини тугатганман. Ғишт заводида директор бўлиб ҳам ишладим. Учқўрғон туманига қарашли "Андижон" ширкат хўжалиги бор. Бобом Юсупжон Обидов ўша хўжаликда тахминан 1940 йилдан то умрларининг охири, яъни 1966 йилгача раислик қилганлар. Мен ҳам кейинчалик шу хўжаликка келиб меҳнат фаолиятимни бошладим. Сўнг раис этиб сайлашди. Уч йилдан кўпроқ раис бўлиб ишлаб, қишлоқ хўжалиги соҳасида тажриба орттирдим. Раислик пайтимда ҳам доим режаларимни ўринлатганман. Ўша орттирган тажрибаларим мана энди ҳоким этиб тайинланганимдан кейин қўл келмоқда. Келгуси 2005 йил режасидаги ишларни ҳам қизғин бошлаб, давом эттираётирмиз. Худо хохласа 2005 йилда 2004 йилга қараганда ортиқроқ даромад олиш, яъни режадаги пахта, ғалланиянада кўпайтириш нияти билан яшаяпмиз.

Суҳбатдош:
Ўктам ҲАКИМАЛИ

Журналнинг янги сони



«Мамлакат парламенти ҳаётида кутилаётган туб ўзгаришлардан ҳамма хабардор, қолаверса, бугун депутат деганларининг мавқе-мақомию бурч-вазифалари ҳам ўзгача. Энди қонун чиқаришни кимга ишонмоқни сиёсий партиялару ташаббускор гуруҳлар, демакки, халқнинг ўзи ҳал қилади». Бу сўзлар «Тафаккур» журналининг янги сонида эълон қилинган журнал бош муҳаррири, ардоқли адиб Эркин Аъзамнинг «Мени сайланг, мени сайланг...» сарлавҳали бош мақоласидан олинди.

"ТАФАККУР" ЗИЁСИ

Шунингдек, журналда таниқли публицистлар Фахриддин Мусаев ва Муртазо Қаршибойнинг "Ҳар ишда меҳр керак", Баҳодир Зокирнинг "Ғарб ва Шарқ либерализми" номли мақолалари бугунги куннинг долзарб масалалари, уларнинг моҳияти ва ечимлари хусусида илғор фикрларни ўртага ташлаб, ўқувчида қизғин баҳс-мушоҳада уйғотади.

Айниқса, "Хазина" рукнидаги Шопўлат Шайдуллаев қаламига мансуб "Ўғирдаги битиклар ёхуд ёзувнинг пайдо бўлишига доир муҳим янгилик" сарлавҳали тадқиқот бизни шу пайтгача тарих сарҳадларида яширин ётган яна бир сирдан воқиф этади.

"Моҳият жилолари" рукнида берилган "Гўзаллик салтанати" (Мирзааҳмад Олимов) мақоласи ҳам диққатга сазовор. Унда нафосат илми қонуниятлари ўртасидаги нафис фарқлар ва муштарак жилолар, ҳаёт фалсафаси ҳамда адабиётшунослик тараққиётнинг ютуқ-камчиликлари хусусида қизиқарли фикр юритилади. "Буюклик тимсоллари" рукнидаги Шавкат Шукуровнинг "Сердовон бир тоғ" мақоласи ҳам, "Тақдирдаги тадбирлар" рукнида берилган "Қирол Нью-Йоркда" (Виктор Некрасов) ҳикояси ҳам, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг "Юрагимни сўзларга бердим" деб аталган янги туркум шеърлари ҳам ҳар қандай диди баланд ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Журналнинг "Талқин ва тадқиқотлар" рукнидаги мақолаларда ҳам бир қатор қизиқарли илмий-тадқиқотлар, фанимизнинг бугунги ютуқларига доир янги маълумотлар мавжуд.

Хуллас, "Тафаккур"ни ўқинг — тафаккур оламингиз янада бойийди.

Сафар ОЛЛОЁР

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ БАРЧА АЪЗОЛАРИГА, ХАЙРИХОҲЛАРИГА, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Мана, янги икки минг йилликнинг юртимизда "Меҳр ва мурувват йили" деб эълон қилинган тўртинчи йили ҳам ниҳоясига етиб, 2005 йил ҳам кириб келмоқда. Таъкидлаш жоизки, тугаётган йил халқимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўчмас из қолдирди. Айниқса, бу йилда партиямиз сафлари янги аъзолар ҳисобига кенгайиб, жойларда партия ташкилотларимизнинг ишчанлиги ортди. Ташкилий ва ғоявий жиҳатдан мустаҳкамланди. Шу билан бирга Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фаолиятида фуқароларнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш, сиёсий фаоллигини кучайтириш, ҳуқуқий маданиятини ўстириш борасида бир қатор амалий ишлар йўлга қўйилди. Партия қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш жараёнида кўплаб хайрли ишлар, учрашув ва мулоқотлар, бошқа бир қатор муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбирлар ташкил этилди.

Шу билан биргаликда яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтган сайловларда фаол қатнашиб, ўзининг чинакам халқ иши, Ватан равнақига бел боғлаган сиёсий куч эканлигини кўрсатди.


Ўйлаймизки, "Сиҳат-саломатлик йили" деб эълон қилинган 2005 йилда ҳам "Адолат" социал-демократик партиясининг барча аъзолари юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиб, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида олдинги сафларда туриб хизмат қиладилар.

Азиз юртдошлар! Партиямизнинг барча аъзолари ва хайрихоҳлари!

Сизларни кириб келаётган Янги — 2005 йил билан чин қалбдан табриклаймиз! Сизларга ва оила аъзоларингизга, дўсту бирodорларингизга сиҳат-саломатлик, меҳнат фаолиятингизда ва шахсий ҳаётингизда муваффақиятлар тилаймиз. Янги йил ҳар биримизнинг ҳаётимизда ўчмас из қолдириб, тўкин-сочинлик, қут-барака ва фаровонлик йили бўлишини яратгандан тилаб қоламиз.

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин азизлар!

ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ





СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ДЕНОВ ТУМАНИДАГИ "ҲАЗОРБОҒ" ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИ РАҲБАРИЯТИ ВА ЖАМОАСИ



Бутун Ўзбекистон халқини ҳамда мамлакатимиз иқтисодий секторига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган деҳқон ва фермерларни Янги 2005 йил — "Сиҳат-саломатлик йили" билан самимий муборакбод этади.



Мамлакатимизнинг тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган барча юртпарвар ва элпарвар инсонларга бахт-саодат, уларнинг хонадонларига тинчлик, хотиржамлик, серқуёш Ўзбекистонимизнинг бундан-да гуллаб-яшнаши йўлидаги эзгу ишларида улкан муваффақиятлар тилайди.



ЯНГИ 2005 ЙИЛ БАРЧАЛАРИНГИЗГА ШОДУ-ХУРРАМЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ҲАМДА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ОЛИБ КИРСИН.



Сифат учун ўтказилган бир қатор халқаро кўрикларнинг "Олтин юлдуз" мукофотлари совриндори

«ФАРМЕД»
хусусий фирмаси жамоаси

кўп миллатли Ўзбекистон халқини, ўз мижозларини ва ҳамкорларини
Янги — 2005 йил билан
чин кўнгилдан муборакбод этади.
"Сиҳат-саломатлик йили"да Сизларга ҳамиша бахт-саодат, сиҳат-саломатлик ва ишларингизда улкан омад ёр бўлсин!
Оилангизга тинчлик, хотиржамлик, файзу барака тилаймиз.
Юртимиз тинч, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин!
Жонажон Ўзбекистонимизни Яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан асрасин!
Байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

"ФАРМЕД" ХУСУСИЙ ФИРМАСИ 10 ЙИЛ ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ХИЗМАТИДА!

"Фармед" хусусий фирмаси 1994 йил 29 март куни "Фармед-76" хусусий дорихонаси қошида ташкил этилган ва аҳолини юқори сифатли, ҳаётий зарур дори-дармонлар ва тиббиёт маҳсулотлари билан таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Бугунги кунда "Фармед" фирмаси хорижда ва ўзимизда ишлаб чиқарилаётган 2000 га яқин дори-дармонлар ва тиббиёт анжомларини республикамизнинг 2000 дан ортиқ дорихоналарига, тиббиёт-профилактика муассасаларига етказиб бермоқда. Мижозларга хизмат кўрсатиш маданиятини кўтариш ва буюртмаларнинг тез ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида фирмада буюртмаларни телефон орқали қабул қилиш ва Тошкент шаҳридаги дорихона ҳамда тиббиёт муассасаларига сертификатланган дори воситаларини тўғридан-тўғри машинада фирманинг ҳисобидан етказиб бериш ташкил этилган.

Бундан ташқари "Фармед" фирмаси:
- Дунёдаги энг йирик ва таниқли 70 дан ортиқ хорижий компаниялар билан хамкорликни йўлга қўйган.
- 30 дан ортиқ дунёнинг таниқли фармацевтик компанияларининг консигнацион омборхоналарини ташкил қилган.
- Божхона омборхоналари хизматлари, шу жумладан, дори-дармонларни сақлаш, сертификациялаш ва маркировкалашни йўлга қўйган.
- ЎзТВ-1 каналида 100 дан ортиқ эфирга узатилган "Омонлик тилаймиз" муаллифлик кўрсатуви ташкилотчиси, "Аптека слушает" кўрсатуви бош ҳомийси.
- Фармацевтика ва тадбиркорлик соҳасидаги қонунлар, меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, уларни янада мукаммаллаштириш жараёнида иштирок этади.
- Илмий симпозиум ва семинарлар ташкилотчиси.

2002-2004 йилларда "Фармед" фирмаси Австриянинг "Эбеве" компанияси билан ҳамкорликда онкологик (саратон) касалликларни замонавий дори-дармонлар билан даволаш масаласига бағишланган бир қанча илмий симпозиумларни ташкил қилган.

Бугунги кунда "Фармед" фирмаси 30 дан ортиқ турдаги онкологик дори-дармонларни дорихоналарга ва беморларга етказиб бермоқда. Беморларга қулайлик яратиш мақсадида уйларга, шифохоналарга онкологик дори-дармонларни машинада етказиб беришни ташкил этилган.

Фирма ўз фаолиятини бошлаганидан бери нафақат ҳудудлар бўйича, балки бутун республика миқёсида муҳтожларга ёрдам, меҳр-шафқат кўрсатади, шу жумладан, болалар уйларига, ногиронлар жамияти, қариялар уйлари, "Экосан" ва "Нуроний" жамғармалари ва ҳакозоларга ўз хайр-эҳсонларини йўллайди.

"ФАРМЕД ФИРМАСИ" ШЎЪБА КОРХОНАСИ

2003 йил "Фармед" фирмаси қошида таблетка шаклидаги дори-дармонларни ишлаб чиқарувчи иккинчи фармацевтик завод — "Pharmed firmasi" шўъба корхонаси ташкил этилди. Сизга яхши маълум, "Ципролет" "Ибуклин", "Ибуклин-Юниор" таблеткалари "Фармед" фирмасининг 1-фармацевтик заводи — "Редди-Фармед Лтд" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган ва кўпчиликнинг ишончини қозонган эди.

Бу 2-фармацевтик завод GMP халқаро фармацевтик стандартлари асосида бунёд этилган бўлиб, энг илғор фармацевтик қурилмалар билан жиҳозланган.

Корхона йилига 20 миллион ўрам дори-дармон ишлаб чиқариш қувватига эга. Юртимизнинг 13 йиллик Мустақиллик байрами муносабати билан заводнинг дастлабки етти турдаги дори воситалари сотувга чиқарилди:

"Ринза" таблеткалари — сиз ҳар куни телеэкранларда реклама орқали кўрадиган бу дори тури сизга яхши маълум — шамоллашда, грипп симптомларини йўқотишда, тумовда, иситмани туширишда ва бош оғриғини даволашда қабул қилинади.

"Каптоприл-Фармед" таблеткалари — қон босимини туширувчи, юрак қуввати етишмовчилигида даво қиладиган дори воситаси. Хом ашё Изроилнинг "ТЕВА" фирмасидан сотиб олинади.

"Ципрадед-250" ва "Ципрадед-500" таблеткалари — таъсир этувчи моддаси ципрофлоксацин, антибактериал дори воситаси. Нафас йўллари, лор органлари инфекциялари (ОРВИ, шамоллаш) жигар ва сийдик йўллари, ошқозон-ичак тракти инфекциялари, сепсис, перитонит касалликларида даво қилади.

"Метрогил-200" ва "Метролгил-400" — протозойга қарши, антибактериал таъсирга эга самарали препарат. Уретрит, гинекологик инфекциялари, тери ва юмшоқ тўқималар инфекцияларини даволашда қўлланилади.

"Тинидазол-Фармед" таблеткалари — трихомониаз, лямблиоз, амёбиозни даволашда қўлланиладиган дори тури.

Заводда ишлаб чиқарилаётган бу дори воситалари билан хорижда ишлаб чиқарилаётган қиммат препаратлар ўрнини қоплашга ҳаракат қилинмоқда. Хориждан келаётган дориларнинг қиммат бўлишига таъсир қиладиган омиллар жуда кўп, булар: хориждаги турмуш тарзининг бизникига нисбатан қимматлиги, шу боис дорининг ўзўзидан биз учун қиммат бўлиши, транспорт ҳаражатлари, доллар курсининг таъсири.

Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган бу дори-дармонлар бу босқичлардан ўтмаганлиги сабаб, нархи аҳоли учун қулай. Сифати эса кафолатланган, чунки хом-ашё хориждан келтирилади. Ходимларнинг юқори малакага эгалиги, заводимизнинг янги, жаҳон андозалари талабларига тўғри келиши, хом-ашёнинг юқори сифатлилиги ҳамда "Фармед" фирмаси юқори масъулиятли дори-дармонларнинг сифатини кафолатлайди.

1998-2004 йиллар давомида "Фармед" фирмаси амалга оширган ишлари учун олтита халқаро совринлар билан мукофотланди. Булардан тўрттаси Париж ва Нью Йоркда бўлиб ўтган халқаро ишбилармонлар кўргазмасида тақдим этилган олтин, бриллиант ва платина "Сифат юлдузлари", "Америка сифат юлдузи"дир. Брюсселда эса "Евромаркет-99" нуфузли мукофоти билан тақдирланди ва "Минг йилликнинг энг яхши фирмаси" деган шарафли номга муяссар бўлди. Мустақиллигимизнинг қалдирғочлари бўлмиш "Фармед" фирмасининг истиқболи порлоқ.

Сизларга ҳамиша омонлик тилаймиз!

"Фармед" фирмасининг манзили:
700132, Тошкент шаҳри, Акмал Икромов тумани, Ибрат кўчаси, 1-уй.
Телефонлар: 175-75-00, 47-98-90.





«ОҲАНГОРОН ШИФЕР»

ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитаси



бутун Ўзбекистон халқини касаба уюшмаси фаолларини янги 2005 йил билан чин юракдан табриклайди.



Ислоҳот чорраҳаларида

ТЕЖАМ – БУ, САМАРА

— дейди Навоий вилояти Хатирчи туман газлаштириш идораси раҳбари Бахтиёр МИЗОМОВ

— Бахтиёр ака, туманда газлаштириш ишлари қандай бораяпти?

— Мамлакатимиз аҳолисини ўз вақтида коммунал хизматлар билан таъминлаб туриш «Ўзкоммуналхизмат» агентлиги ва унинг жойлардаги идоралари зиммаларига юклатилган. Бизда ҳам қиш мавсуми бошлангунга қадар барча газ қувурлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 12 майдаги **«Республика иқтисодиёт тармоқларини 2004-2005 йил учун куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорига асосан алоҳида иш режаси ва дастури тузиб олганмиз. Айни кунларда белгиланган ишларнинг асосий қисми ниҳоясига етказилди...

— Тежамкорлик ҳақида нима дея оласиз?

— Маълумки, Юртбошимиз ҳар гал республиканинг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлари боришини баҳолаш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлислар ҳамда бошқа катта йиғилишларда тежамкорлик ва табиий ресурслар исрофгарчилигига чек қўйиш борасида куйиниб сўз юритадилар. Биз ҳам ҳар сафар улардан хулоса чиқариб, иш режаларимизни қайта кўриб чиқаяпмиз. Газдан тўғри фойдаланиш, тежамкорликка эришиш ва уни исрофгарчилигига асло йўл қўймасликка интилаяпмиз.

«Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди» деган гап бор. Газ бор экан деб, уни истаганча ишлатавериш инсофдан эмас. Тежамкорлик давлатга ҳам, корхоналарга ҳам ва ҳар бир оилага ҳам керак, тежам — бу, самара...

Ёз ва куз ойларида юқори (90,5 км.) ва ўрта (535 км.) босимли газ тартиби ҳамда газ тақсимлаш пунктлари кўздан кечирилиб, катта ҳажмли созлаш, тузатиш ишлари олиб борилди, ер усти қувурлари бўялди, тозаланди. Ҳозиргача қарийб 20 млн. сўмлик ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Жорий йилнинг ўтган даврида аҳолига газ сотиш режаси 112,9 фоизга, саноат корхоналарига эса 103,6 фоизга бажарилди. Йиллик режа барвақт, ортиғи билан уддаланади.

— Хонадонларга, корхоналарга газ ҳисоблагич жиҳозлари ўрнатиш ишлари қандай?

— Олдинлари аҳоли газ ҳисоблагичлардан фойдаланмасди. Маълум даражада исрофгарчиликка йўл қўйиларди. Тежамкорлик — давр тақозоси. Шу сабаб 2002 йилнинг 28 мартида Вазирлар Маҳкамаси томонидан **«2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарори эълон қилинди. Мазкур қарор асосида изчил иш юритиб, шу кунга қадар туманимизда 90 фоиздан зиёд хонадонларга ва 100 фоиз корхона ҳамда ташкилотларга ана шундай газ ҳисоблагичлар ўрнатилди. Истеъмолчилар мамнун. Очиғи, аҳоли ва корхоналар газни ўйлаб ишлатадиган бўлишди...

— Дебиторлик, кредиторлик қарзларингиз ҳам борми..?

— Бор. Аччиқ бўлса-да, ўрни келганда айтиб ўта қолай: газ ҳақини вақтида тўлашда ҳали-ҳануз жиддий ўзгаришлар бўлмаяпти. Айниқса, корхона ва ташкилотлар ойлаб газ ҳақини тўлашмаяпти. Бу ҳақда улар билан мулоқотда бўлиб турибмиз, тегишли чоралар кўрилмоқда. Ўйлаймизки, аҳоли ҳам, корхоналар ҳам дебиторлик қарзларини оширавермасдан, вақтида узишади. Бу хусусда қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, тегишли жойларга юборилган. Самарасини беради, албатта.

— Шу кунлардаги ишлар ҳақида ҳам... Иложи бўлса, мисоллар билан...

— Айни кунларда Зарафшон ширкат хўжалиги ҳудудида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Айни пайтла бу ерда 12 млн. сўмликдан зиёд иш бажарилди. Зарафшон-Довтепа йўналишидаги 1450 метрлик трассага қувурлар ётқизилмоқда. Қиш мавсуми арафасида барча газ трассалари яна бир бор кўздан кечирилди. Бирорта газ узилишларига ҳозиргача йўл қўйилмади. Бундай салмоқли ишларда малакали ходимларимиздан Б.Холмуродов, Ш.Султонов, А.Очилов, М.Турсунов, Г.Избосарова, ишчиларимиздан Ш.Эргашев, А.Асадов, Г.Мусаев, С.Холиқуловларнинг хизматлари катта бўлмоқда...

Бир сўз билан айтганда, жамоамиз туманимизнинг 170 минг нафарлик аҳолисига намунали газ хизмат кўрсатишга бел боғлаган. Айниқса, ҳозирги қиш кунлари ноўрин газ тақсимоти узилишларига йўл қўймаслик учун ҳаракат қилаяпмиз.

Суҳбатдош:
Абдумутал НОРБОЕВ,
журналист

БЕҚИЁС ҚУЛАЙЛИКЛАР

Андижон вилоятидаги Чўлпон номли ширкат хўжалиги ҳудудида янги йил арафасида газ тақсимловчи янги автомат станция ишга туширилди.

Бу қурилма туман марказини ҳамда учта ширкат хўжалигини табиий газ билан таъминлайди. Бу газ тақсимлаш станцияси "Олтин водий" фирмаси томонидан белгиланган муддатда ва сифатли қуриб битказилди. Аҳоли қиш ойларини газ пасайиши муаммоларисиз ўтказмоқда.

К. НИЗОМОВ



Маҳбуба Эшонқулова ангренликларга нафақат тадбиркор фермер, балки саховатли аёл сифатида ҳам яхши таниш. У бош бўлган "Эшонқул" фермер хўжалиги сабзавот, чорвачилик маҳсулотлари етиштириб, шаҳардаги 12 та болалар боғчаси, 2 та меҳрибонлик уйига узлуксиз етказиб бермоқда.

— Даромадим ҳисобидан ўзим яшайдиган "Соғлом" маҳалласига газар қуриб бериб, маҳалладошларнинг олқишига сазовор бўлган эдим, — дейди тадбиркор. — Янги йил — "Сиҳат-саломатлик" йилида ҳам юмушларим янада кўпаяди. Спорт майдончаси, тикиш-бичиш, этикдўзлик устахоналарини очмоқчиман. Халқимнинг бир оғиз "Раҳмат, қизим!" деган сўзидан бошим осмонга етади.

Суратда: Маҳбуба ЭШОНҚУЛОВА.
Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат

Қонун барчага баробар

ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ КЎЗ ЧИҚАРАЁТГАНЛАР

эл-юрт ичида изза бўлишмоқда

Бугун мамлакатимизда ишбилармон ва тадбиркорларга керакли барча имконият ва қулайликлар яратиб берилмоқда. Шу боисдан ҳам ишни кўзини билган фуқароларимиз ишбилармонлик ва тадбиркорлик билан шуғулланиб, ҳам давлат ғазнасига, ҳам ўз оиласига яхшигина даромад келтирмоқда.

Албатта, фуқароларимизнинг бу ютуқ ва муваффақиятлари мавжуд қонун-қоидаларга амал қилиб ишлаётгани, қолаверса, ҳукуматимиз раҳбариятининг алоҳида эътибори билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонун ва қарорлар ишлаб чиқилиб ҳаётга тадбиқ этаётганлигининг ёрқин самарасидир. Бироқ...

Гуруч курмаксиз бўлмагандек, бу ишбилармон ва тадбиркорлар орасида ҳам ўз "жиғилдони"ни халқ, эл-юрт манфаатидан устун қўйиб, амалдаги қонун ва қоидалардан бўйин товлаётганлари ҳам учраб турибди. Қонун ва қарорлар ўзининг ижроси билангина ҳаётий ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши барчага кундай равшан.

Яккасарой туман прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бу ҳуқуқбузар ва қонунбузарлар томонидан давлат бюджетига тушиши лозим бўлган солиқ ва бошқа тўловлардан яширилган пул маблағларини ундириб, уларнинг кейинги ноқонуний фаолиятига нуқта қўяяпти.

Жумладан, Тошкентдаги "Люкс Гранд" хусусий корхонаси раҳбари Али Исмоилов 2 та банкда ҳисоб рақамларини очиб, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига зид равишда 186 миллион 920 минг сўмлик қурилиш ва озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиб, аҳолига устама нархлар билан сотган. Тушган нақд пул маблағларининг асосий қисмини банк муассасаларига эмас, балки ўз ҳамёнига урган. Унинг барча хатти-ҳаракатлари қонун ва қоидалар асосида ўрганиб чиқилиб,ҳуқуқбузарга нисбатан Жиноят кодексининг 189-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилди. Ҳамда бу қўштирноқ ичидаги тадбиркордан давлат фойдасига 17 миллион 300 минг сўм пул маблағи ундириб олинди. Шунингдек, "Тоза хизмат сервис" масъулияти чекланган жамиятнинг 2 йиллик фаолияти ўрганиб чиқилганда ташкилот раҳбари Тамара Пакнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган антиқа ҳуқуқбузарликлари аниқланди.

Мазкур ташкилот Яккасарой туман Давлат солиқ инспекциясидан 2002 йилнинг 28 августида рўйхатдан ўтган бўлиб, улгуржи ва чакана савдо қилиш учун рухсатнома олган. 2002 йилдан то 2004 йилнинг 15 июнига қадар 2 миллиард 992 миллион 500 минг сўмлик товарлар олди-сотиси билан шуғулланган.

Ўтган давр мобайнида ташкилот "Бизнес банк", "Авиа банк" ва бошқа банк муассаларида жами 8 та ҳисоб рақамларини очиб, ушбу ҳисоб рақамларига давлат ва бошқа турдаги корхоналардан қурилиш материаллари, автомобиль эҳтиёт қисмлари, янги йил совғалари, қандолат маҳсулотлари, дори-дармон ва бошқа маҳсулотлар учун пул маблағлари келиб тушган. Лекин бу пул маблағлари корхона кирим ҳужжатларида умуман мавжуд эмас. Бундан ташқари, "Тоза хизмат сервис" МЧЖ юқорида кўрсатилган пул маблағларидан 1 миллиард 659 миллион 400 минг сўмига маргарин, кабель, битум, қурилиш ва халқ истеъмоли моллари сотиб олиб, уларни устама нархларда аҳолига пуллаган. Бироқ, бу нақд пул маблағларини банк массасаларига умуман топширмаган.

Шунингдек, корхона ташкил топганидан бошлаб, нафақа ва йўл фондига жами 8115,6 минг сўм мажбурий тўловларни умуман тўламаган. Ташкилот раҳбари Тамара Пак ўзининг бу ноқонуний хатти-ҳаракатларини ҳужжатлар орқали тан олишга мажбур бўлди. Унга нисбатан Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилди ҳамда суд орқали 22 миллион 28 минг 15 сўм пул маблағи давлат фойдасига ундирилди.

"Халқ банки"нинг Яккасарой туман бўлими бош ҳисобчиси Диана Богусловская ва "Yukos servis" МЧЖ раҳбари Юрий Сулеймоновнинг жиноий хатти-ҳаракатлари эса ҳаммасидан ошиб тушди.

Гап шундаки, Юрий Сулеймонов 2003 йил 20 октябрь куни "Yukos servis" МЧЖ ташкил этган ва улгуржи савдо билан шуғулланиш мақсадида "Халқ банки"нинг Яккасарой туман бўлими бош ҳисобчиси Диана Богусловскаяга нисбатан эса мансабидан фойдаланиб, пора эвазига қалбаки ҳужжат берганлиги учун Жиноят кодексининг 168-модда 2-қисми В банди ва 210-модда 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.



"Халқ банки"нинг Яккасарой туман бўлими бош ҳисобчиси Диана Богусловскаяга нисбатан эса мансабидан фойдаланиб, пора эвазига қалбаки ҳужжат берганлиги учун Жиноят кодексининг 168-модда 2-қисми В банди ва 210-модда 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Кўриб турганингиздек, қонун устувор бўлган жамиятимизда кимки мансаби ва фаолиятидан қатъий назар қонунлар асосида фаолият юритмас экан ҳам пулидан, ҳам мисқоллаб йиққан обрўсидан айрилади...

Равшан ХОДЖАЕВ,
Тошкент шаҳар,
Яккасарой туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими катта суриштирувчиси

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ
"ПАХТА БАНК"И

ўз акциядорлари, мижозлари ва барча юртдошларимизни кириб келаётган Янги 2005 йил — "Сиҳат-саломатлик йили" билан чин қалбдан табриклайди!

Янги йилда Сизларга бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик ва ишларингизга улкан зафарлар тилаймиз!

Байрам муносабати билан Сизларни йиллик 32 фоиздан 38 фоизгача бўлган ***"Пахта банк" омонат турларига*** *бўш пул маблағларингизни қўйишингизни ҳамда йиллик 30 фоиз, капитализация билан 34,5 фоиз даромад келтирувчи замонавий тўлов воситаси —* ***"Пластик карточка"****ни таклиф этамиз!*

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

"Пахта банк" — фаровонлигингиз калитидир!

"ПАХТА БАНК" КЕНГАШИ ВА БОШҚАРУВИ

ЎЗБЕКИСТОН ЖАНГЧИ ФАХРИЙЛАР

(байналминалчилар)

«VETERAN»

бирлашмаси раҳбарияти

Ўзбекистон халқини, хусусан, мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча байналминалчи жангчиларни

Юртбошимиз томонидан эълон қилинган 2005 йил — «Сиҳат-саломатлик йили» билан самимий табриклайди.

Ушбу шукуҳли кунларда барчангизга ҳурмат-эҳтиромимизни баҳш этган ҳолда жондан азиз Ватанимизда доимо тинчлик ҳукм суришини, халқимиз ҳамиша омон бўлишини, 2005 йил қутлуғ ва омадли келишини Яратгандан тилаб қоламиз.


ТИНЧЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

Азалдан халқимиз ўзининг норғул ҳамда довюрак, ватанига садоқатли ўғлонлари билан фахрланиб келган. Уларнинг ҳақиқий комил инсон бўлиб етишиши йўлида муҳим тарбиявий ишларни амалга оширган.

Бугунги кунга келиб, айниқса, мустақилликка эришганимиздан сўнг Президентимиз раҳбарлигида юртимиз тинчилигини сақлаш ва осойишталигимиз посбонлари бўлган ватанимиз ҳимоячиларини моддий ва маънавий рағбатлантириш юзасидан қатор ишлар амалга оширилди. Ватанимиз сарҳадларида хизмат бурчини ўтаётган йигитлар билан оиласи ва қариндошларининг ҳарбий қисмларда бўлиб, бемалол фарзандининг шарт-шароитлари билан танишиш имконига эга бўлаётганлиги қувонарли ҳол.

Шундай хизмат масканларидан бири — Тошкент ҳарбий округи сафарбарлик чақируви резерви баталионида бир ойлик сафарбарлик чақируви хизматчилари резерви қасамёд қабул қилдилар. Мусаффо қалбли Ватанимиз ўғлонларининг юракдан жўшиб, меҳру муҳаббатга йўғрилган қасамёдидан қалбимиз ғурур ва ифтихорга тўлди. Маскандаги хизматчиларни сидқидилдан тарбилаётган устозлари билан суҳбатлашдик.

— Бир ойлик хизмат ўтаётган йигитларимизга, тажрибали офицерларимиз томонидан маънавий-маърифий, сафга тайёргарлик, ҳарбий низомлар, тактик тайёргарлик, ҳарбий ўқув машқлари ва жисмоний тарбия дарслари бериб борилади — дейди, ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Нозимжон Абдураҳмонов. — Шунингдек ватанпарварлик асосида яратилган филмлар ҳамда "Ибратли йигит" танловлари ва спорт мусобақалари мунтазам ўтказилиб турилади. Бундан кўзлаган мақсадимиз хизматчи йигитларимизни жисмоний жиҳатдан чиниқтириш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган.



Қасамёд маросими тантанали равишда олиб борилди. Унда Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондони, генерал-майор Баҳодир Тошматов ва Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, полковник Қурбон Аминжоновлар иштирок этишди.

Вилоят ШОДИЕВА,
«Адолат» мухбири




Сирдарё вилоятининг "БАХТ" божхона масканидаги ёш, тиниб-тинчимас ходимлардан бири Олим Жовлиевдир. У ўз хизмат бурчига содиқ йигитлардан.

Суратда: божхона хизмати катта лейтенанти Олим Жовлиев (чапда) фуқаро Музаффар Абдураҳмоновни янги қонун ҳужжатлари билан таништирмоқда.

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

САЛОМАТЛИК – ТУМАН БОЙЛИК

Давлатимиз раҳбари Конституция кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида 2005 йилни эзгу ниятлар билан "Сиҳат-саломатлик йили" деб эълон қилди. Сиҳат-саломатлик ўзбек халқининг азалий орзу-интилиши бўлиб келганлиги кўпчиликка яхши маълум. Уни амалга ошириш имконияти эса фақат мустақиллик туфайлигина юзага келди.



Албатта, мамлакатимизда сиҳат-саломатликни таъминлаш бениҳоя серқирра, кенг қамровли вазифа ҳисобланади. Бу вазифанинг моҳияти эса келажагимиз бунёдкорлари бўлмиш менга ўхшаган ёшларимизни соғ-саломат, мустақил идрок, мустақил тафаккур, мустақил дунёқарашли қилиб тарбиялаш ва ривожлантиришни тақозо этади. Чунки, мустақил инсонгина ўзининг ва айни вақтда бошқа одамларнинг саломатлиги хусусида қайғуриши мумкин. Айни пайтда соғлом инсонгина гўзалликни, куч-қудратни, беғубор ақлни танасида кўтара олади.

Ўзбек халқи болажон халқ. Ўз фарзандининг бахти йўлида ҳамма нарсага тайёр. Ўғил қизларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етиши учун қўлидан келган ҳар қандай ишни қилишга масъулият билан ёндошади. Шунинг учун ҳам муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов келгуси 2005 йилни Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилди. Бу дегани мамлакатимизда кечаникеча, кундузни-кундуз демай меҳнат қилаётган қўли енгил шифокорларга қанақадир имтиёз эмас, балки, ўз иши ва касбига масъулият билан ёндошишни тақозо этишини ҳам англатди. Шифокор беморнинг фақатгина хасталигини даволабгина қолмай, балки қалбини ҳам даволаши керак. Демак, жамиятимизнинг ҳар бир фуқаросини қалби билан руҳини даволаш, унинг дардини тинглай олиш ҳар бир қўли енгил шифокорларнинг олдида турган энг асосий вазифа бўлиб қолиши аниқ. Бу борада эса шифокор ўрнини ҳеч ким ва ҳеч қандай нарса боса олмайди. Шундай экан, мамлакатимизнинг буюк келажагига мустаҳкам пойдевор яратилаётган бир пайтда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрни ва роли борасида кўпгина ишларни амалга ошириш лозим. Бу — давр талаби.

Дарҳақиқат, Президентимиз томонидан "2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили" деб эълон қилинганлигида катта маъно-мазмун бор. Албатта, мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш, аввалambor, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасидаги мувозонатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш, иқтисодиёт соҳасида биринчи ўринда давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк механизмларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлашда сиҳат-саломатлик муҳим аҳамият касб этади.

Умид МЕЛИБОЕВ,
Тошкент Давлат техника университети талабаси

ИСТИҚЛОЛ БАДИАЛАРИ

(Мавлоно Мирзо Баротнинг «Навоий ватани» китоби ҳақида мулоҳазалар)

Атоқли шоир Барот Бойқобилов ўтган йили «Навоий ватани» («Истиқлол бадиалари») номли китобини нашр эттирди. Китобда шоирнинг кейинги ўн беш йил мобайнида ёхуд мустақиллик йилларида ёзган илмий-танқидий, маънавий-маърифий, тарихий-фалсафий публицистик мақолалари жамланган. Гарчи китоб «Навоий ватани» деб аталса-да, биз ўз мақоламизда «Истиқлол бадиалари» деган тушунчага кўпроқ таянамиз, чунки у китоб мазмунини тўлароқ акс эттиради. Биз бу китобни бир неча бор синчиклаб ўқиб чиқандан сўнг олдимизда шундай жумбоқлар пайдо бўлди: шоир одамнинг мураккаб, баъзан чигал тарихий воқеаларни таҳлил этиши, бу борада қатъий хулосаларни ўртага ташлаши, жон куйдириб, ўз ғояларини ҳимоя қилишининг боиси не? Тўғри, талантли шоирлар ҳамма вақт ўз даврининг ижтимоий воқеаларини қаламга олишган. Барот Бойқобилов сингари бу ҳақда жуда кўп ва хўб ёзган шоирни топиш амри маҳол.

Барот Бойқобилов «Истиқлол бадиалари» китобини ўқиб чиққан, аммо шоирни танимаган одамнинг кўз олдига Арасту, Афлотун, Гегель, Беруний, Форобий янглиғ келбатли бир донишманд пайдо бўлади. Аммо, биз шоирни яхши таниймиз, унинг одмигина кийиниши, ўзини камтарона, хоксор кўрсатишини эслаб, юксак тафаккур миянинг соғлом ва изчил бир маромда ишлаши, кўп ва хўб ишлаши экан, деган хулосага келамиз.

Энди юксак тафаккур соҳиби Мавлоно Мирзо Баротнинг (бу таърифни академик Ботир Валихўжаевдан олдик) «Истиқлол бадиалари» китобининг энг муҳим хусусиятларини кўрсатиб ўтайлик. Аввало, китобга сўзбоши ёзган сиёсатшунос олим, жамоат арбоби, илмий публицистика соҳасида дадил қадам тебратаётган Нарзулла Жўраевнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтайлик: «Барот Бойқобилов мустақиллик даврида ўз истеъдодининг янги қирраларини намоён этган, давр билан ҳамнафас ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг моҳиятини чуқур англаган, истиқлолни чанқоқлик билан кутиб олган ва унинг ашаддий ҳимоячисига айланган фуқаро шоири сифатида ўзини намоён этди. Шунинг учун у ҳам шеъриятининг нафис олами билан бирга қалбнинг шиддаткор туйғулари тўлқинини тўғридан-тўғри ифодалайдиган, янгиланишлар моҳиятини тўғридан-тўғри мухлисларга етказиб берадиган энг ҳозиржавоб, энг эҳтиросли публицистика тажрибасини ҳам эгаллади. Шоирнинг безовтаю беором қалби, симоб парчасидек титраб турган беҳаловат кечинмалари, фуқаро сифатидаги жамият истиқболи ва тақдирига дахлдорлик туйғуси кўзга ёрқин ташланади».

Барот Бойқобиловнинг илмий публицистикасида кўзга ташланувчи энг муҳим хусусиятлардан бири шундаки, у ҳар бир воқеага катта эҳтирос билан ёндашади. Ижобий ҳодисаларни мақтаганда бисотида қанча таъсирли, муболағали сўзлар бўлса, аямай барини ишлатади. Камчилик, нуқсон, иллатларга нисбатан у шафқатсиз, умуман ўртамиёналик билан келиша олмайди.

— Майда одамлардан майда, арзимас жамият ҳосил бўлади, — дейди у, — фозил инсонлар эса жамлангач ўз заковатлари қудрати, ўз иқтидорлари тафти билан юртини, халқини кўкларга қадар юксалтиришга қодирдирлар.

Майдакашлик собиқ Иттифоқ даврида кенг тарқалган, «бир амаллаб кунинг ўтса бўлди-да, бошқасига нима ишинг бор», деган ақида кўпчиликнинг вужудига сингиб кетган эди. Энди замон ўзгарди, мустақиллик ҳар бир инсонга эркин ҳаракат қилиш, қанча билими, қобилияти бўлса барисини юзага чиқариш учун имкониятлар яратиб берди. Аммо кўп одамлар ўша қотиб қолган ақидадан қутулишолмаяпти.

Барот Бойқобилов ўз мақолаларида истиқлол келтирган имкониятлар ҳақида тўлқинланиб ёзади. Хусусан, у Президент Ислом Каримовнинг сиёсий портретини ёрқин бўёқлар билан кўтаринки руҳда таърифлайди. Муаллиф ҳар қандай мақтовни жиддий, ҳаққоний далиллар орқали асослашга ҳаракат қилади. «Президент Ислом Каримовнинг сиёсий қудрати шундаки, у давлат сиёсати билан фуқаролар қарашларини, жамият маънавий-ахлоқий қиёфаси билан аҳоли ўйларини уйғунлаштириб юборади».

Истиқлол бадиаларидан тузилган «Навоий ватани» китоби беш қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм «Ватан ва миллат», иккинчи қисм «Ҳуррият ва руҳият», учинчи қисм «Йирик сиймолар — тирик сиймолар», тўртинчи қисм «Улуғ айём суҳбатлари», бешинчи қисм «Хамсакент туҳфалари» деб аталади.

Миллий қадриятларни асраб-авайлаш, тарихий меросимизни чуқур ўрганиб, уни яна ривожлантириш, улуғ сиймоларимизнинг руҳларини шод этиб, уларнинг эзгу ғояларини ёшларимиз онгига сингдириш, шўролар давридан мерос бўлиб қолган маънавий қашшоқлик асоратларини тугатиш учун энг самарали тарбия воситаларини яратиш ва ишга солиш, мустақилликнинг моҳиятини чуқур тушуниш, уни мустаҳкамлаш учун бутун халқни сафарбар этиш ва шулар сингари яна ўнлаб долзарб муаммолар хусусида Барот Бойқобилов куюнчак, фидойи бир фуқаро сифатида бутун ақлу идрокини, тажриба ва билимини сарфлаб, чуқур маъноли, ҳаққоний фикрлар билдиради.

Барот Бойқобилов кўплаб суҳбатдошларининг саволларига берган жавобларида, мамлакатимизнинг атоқли олимлари, академиклар Ҳайдар Пўлатов, Азиз Қаюмов, Бўрибой Аҳмедов, Музаффар Хайруллаев, Мурод Шарифхўжаев, Ботир Валихўжаев, фалсафа фанлари докторлари Анвар Чориев, Абдулҳафиз Жалолов, тарих фанлари докторлари Рустамбек Шамсутдинов, Дилором Алимова, Ҳамид Зиёев, филология фанлари докторлари Абдуқодир Ҳайитметов, Ориф Усмон, сиёсатшунослик фанлари доктори Нарзулла Жўраев, юридик фанлари доктори Акмал Саидовлар билан олиб борган давра суҳбатларида шоирнинг чуқур ва кенг илмий тафаккури ярқ этиб кўзга ташланади. Муҳими шундаки, бу суҳбатларда Барот Бойқобилов фақат бошқарувчи сифатида эмас, балки таниқли олимлар билан баббаравар баҳсга киришади, олимларнинг фикрларидан қолишмайдиган, баъзан долзарблиги, кескинлиги билан ажралиб турадиган фикрларни ўртага ташлайди. Китобнинг учинчи қисмида Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Имом Бухорий, Хожа Аҳрор Валий, Жомий, Ҳусайн Бойқаро ва бошқа буюк зотлар ҳақида тўлқинланиб бадиалар битади. Самарқанд алломаларидан Воҳид Абдулла ва Ботирхон Валихўжаев, тошкентлик олимлардан Мурод Шарифхўжаев ва Абдуғафур Абдумажидов ҳақидаги мақолалари самимийлиги, чинакам инсонийлиги билан диққатимизни ўзига тортади.

Маълумки, Барот Бойқобиловнинг бутун ижодий фаолияти, унинг тафаккур ва яшаш тарзининг туб моҳияти Алишер Навоий сиймоси билан боғлиқ. Навоий сиймоси шоирнинг нафақат бадиий ижодида, балки унинг публицистикасида ҳам етакчилик қилади. Навоий сиймоси ёнига иккинчи ўринда Самарқанд тимсолини қўйиш мумкин. Шоирнинг Самарқандга бўлган меҳр-муҳаббати, садоқати чексиз.

Маккаи Мадинам менинг Самарқанд,
Падару Волидам менинг Самарқанд.
Бош қўйган Меҳробим, олтин Каъбам у,
Пайғамбар, Маъбудам менинг Самарқанд.

Барот Бойқобилов мақолаларининг умумий йўналишидан келиб чиқадиган бўлсак, танқидий руҳ анча кучли. У ҳаётда мавжуд бўлган иллатларнинг келиб чиқиш манбаларини қиёслаш, тарихий ҳодисаларнинг моҳиятини аниқлаш орқали бу иллатларнинг турмуш тарзимизда қолдирган асоратларини ғазаб билан қоралайди. Хусусан, тарихий-маданий мерос, анъаналар, қадриятлар, оилавий муносабатлар, ёшлар тарбияси борасидаги фикрлар ўта долзарб ва ибратлидир.

— Бир-бирини қувиб янги ва янги авлод етишиб келяпти, — деб ёзади у. — Кўрган-кечирганлари таъсирида уларнинг онглари қатларида даврнинг қай хусусиятлари михланиб бораяпти: ғафлатларими ёки ижобий воқеа-ҳодисаларими? Улар орттирган сабоқлар қай тарзда юз кўрсатади, кейинчалик бунёдкорлик корига ярайдими ёки бузғунчиликка хизмат қиладими?

Шоирнинг бу безовталиги бесабаб эмас. Биз унинг қуйидаги гапларига ҳам қўшиламиз. «Балоғатга етган ёшларнинг ўқув вазифаларини, ўз мажбуриятларини хаёлига ҳам келтирмай тўп-тўп бўлиб, зерикиб сандираклаб юрганини ким кўрмаган?» Шоир ҳақ, кўпчилик кўрган ва кўриб турибди. Аммо мақтовга ихлосманд одамлар назарида бу фикр анча муболағали. Аммо ҳаётга тик боқувчи, оқни оқ, қорани қора дейишга ўрганган одамлар учун бу ҳақиқат. Энг ёмони тарбияни жўнгина тушуниш, ёшларга юзаки баҳо бериш, ҳамма иш жойида деб кўкрагига уриб юрувчилар, ота-оналар, ўқитувчилар, мураббийлар орасида анчагина топилади. Ҳолбуки, ҳозир диний экстремизм ўта нозик йўллар билан ёшлар қалбига кириб бораётган мураккаб замонда болаларга, ёшларга таъсир қилишнинг энг самарали воситаларини ишлаб чиқиш, бу борада тинимсиз меҳнат қилиш, изланиш сув билан ҳаводек зарур. Акс ҳолда кўзга кўринмас, ўта зарарли иллат — маънавий қашшоқликни енгиб бўлмайди.

Болалар ва ёшлар тарбиясида асосий масъулият ота-оналар зиммасидадир. Аммо ҳамма ота-оналар ҳам ўз масъулиятларини чуқур ҳис қилиб, болаларига астойдил тарбия беришга интилишаётгани йўқ. «Шунчаки орамизда ўзининг ота-оналик бурчларини тушуниб етмаган, ўз фарзандларига лоақал мактабда ҳам уддалаб ўқишни ўргата олмаган ношуд кишилар бор».

Оилавий муносабатлар Барот Бойқобилов публицистикасида етакчи мавзу ҳисобланади. «...Ҳаётда эркакнинг эркаклик, аёлнинг аёллик юки бор ва бу мувозанатнинг бузилиши оғир оқибатларга олиб келиши мумкин». Тарихимизда бу муқаддас қоидага тўла амал қилинган. «Ўзбек жаҳонга донг таратган ўша қутлуғ асрларда эркак эркаклигини, аёл аёллигини қилган. Юрт ва юртдошлари, оила ва оиладошлари олдида ҳар ким ўз бурчини бекаму кўст бажарган... Ҳатто минг бир қораланган, лаънатланган «ичкари» ҳам миллий манфаатларга хизмат қилган».

Мавлоно Мирзо Баротнинг «Истиқлол бадиалари» китоби қимматли, долзарб, сермаъно фикрларга шунчалик бойки, бир мақолада лоақал санаб чиқишнинг иложи йўқ. Ота-оналар, мураббийлар, ўқитувчилар, умуман инсон тарбиясига дахлдор ҳар бир ташкилот, ҳар бир шахс бу китобни синчиклаб ўқиб чиқса, янги фикр, янги ғоялар билан бойийди, болалар тарбияси энг зарур, энг қийин, энг шарафли иш эканига имони комил бўлади. Чунки бу китоб маънавият тарбияси учун буюк бир дастуриламалдир. Мақоламизни шоирнинг истиқлол келтирган неъматлар ҳақидаги шеърий парчаси билан якунламоқчимиз.

Очилди ёпилган булоқ кўзлари,
Ўз аслига қайтди улус сўзлари.
Ўз йўлидан оқди фан дарёлари,
Ўз созини топди эл наволари.
Маъюс диллар шодлик билан йўғрилди,
Одам бўлиб ўзбек қайта туғилди.

Нарзулла ШОДИЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор.
Аҳмаджон ЭШОНҚУЛОВ,
фалсафа фанлари номзоди,
доцент

«АКАГИНАНГ ЎРГИЛСИН, БАҚБАҚАЛАРИНГДАН»

Замонавий эртак

Қанотлари, думлари-ю парларигача саман ранг, ора-орасида тўқ мовий пату парлари ялтир-юлтир қилиб турган Бабақбой Даканғбоев тошойнадаги ўз аксига тикилиб турарканки, бир пас ўйга чўмиб қолди. Уни кузатиб, орқасидан лапанглаб-лапанглаб етиб келган Мурчамиён Сатангбоева қўлидаги елпиғичи билан тумшуқлари устида пайдо бўлган бир-икки тер томчисини елпиган кўйи гап қотди:

— Ҳа, дадаси, йўл бўлсин! Саҳармардондан...

— Иш бор, — деди Бабақбой унга қарагиси ҳам келмай, тумшуғи устидаги никелли кўзойнагини тўғрилар экан. — Ошналар билан...

— Яна чойхонами? — энсаси қотиб, патлари тикка бўлиб кетаёзди Мурчамиённинг. — Ҳеч уйда ўтирасизми, йўқми ўзи? Онангиз ахир тухумингизни кўчага тушириб кетмагандир?! Бошқа хўрозларга ўхшаб, уйда, жўжаларингиз олдида телевизор кўриб ўтирсангиз бўлмайдими? Нима, уйдан тулки чиққанми?

— Биласан-ку, жонгинам, — деди Бабақбой айбдордек бошини эгиб, — Уйда ўтиролмайман. Бу ёқда бола-чақа, бу рўзғор. Анави каттанг институтига контракт тўлаш керак, кичкинасига яқинда сессия бўлади. Домлаларга у-бу олишимиз керак, деган. Янги йил келаяпти бу ёқда. Ҳаммаси бир бўлиб келяпти, онаси. Ҳуллас, пул керак. Ишлаши керак.

— Нима,.. — дея Мурчамиён бир кўзини учириб қўйди. — Тагингизга похол ўрнига сомон ташлайдиган бирор суюқ парранда-марранда топиб олгандирсиз-да. Биламан, — дея дарров кўз ёши қила кетди. — Иш баҳона, пул топаман баҳона, кетасиз уй зиндон, кўча хандон бўлиб. Биз уйда ўтирамиз, сиз кўчада, кўнглингиз айвони кўчадай кенг. Бир им қоққанга,...

— Бу яхшимас, — деди хотинини юпатишга уриниб Бабақбой. — У замонлар ўтиб кетди. Ҳозир бир ойимчани у ёқ-бу ёққа олиб юриш учун ҳам пул керак, харажат керак. Кимнинг ташлаб қўйган пули бор экан? Ресторан, атир-упа, тилла-пилла...

— Меҳмонхона, чўнтагига солиб қўйишга яна... Биламан, ўзи сизни телефон қилиб, бирор тулки-пулкига бериб юбориш керак, — баттар жаҳли чиқиб пиқ-пиқ этиб, йиғлашга тушди. — Ҳар куни саҳар туриб, сизга ёқармиканман, деб ўзимга оро берсам-у, сизнинг эса парвоингиз палак.

— Нега? — деди Бабақбой. — Ҳаммасини кўриб, сезиб юрибман. Қаерда бўлсам ҳам уйда чиройли хотиним бор, деб кўнглим тўқ бўлиб, кўкрагимни кериб юраман.

— Кўчада керилиб юришингизни нима қиламан. Мен учун уйда, ёнимда бўлсангиз...

— Биласан-ку, ишлаш керак. Нима касб қилишни ҳам билмай юрибман.

— Ана, шопирлик қилинг, правангиз бор, — деди хотин. — Нима кўп, машина кўп. Ўзимизда чиққан чиройли «Нексия»ми, «Дамас»ми, «Матис»ми олволинг-да...

— Қачондан кун чиқди, онаси? Шопирлик қилсангиз, машинангизга ҳар хил паррандаларни олиб юрасиз, деб рашк қилардинг-ку,...

— Шўхликларингиз ўтгандир энди. Ё ҳалиям ёшларни кўрганда кўзларингиз олма-кесак териб кетадими? Бўлди, энди эсингизни йиғволинг!

—Эсимни йиғиб оларман-у, аммо шопирлик қилмайман. Ҳозир унинг арендасиям палон пул, юрганингда бирор жойи бузилиб қолса, борми, тузатиши палон пул. Нима, мен пул топаманми, ёки топганимни сарфлаб юраманми?

—Нега унақа дейсиз, ана, қўшнимиз балодай топиб юрибди-ку...

— Топмай қолсин, қоқ ярим кечаси кира қиламан деб уйдан чиқиб кетади. Кейин аллақайси бекатда клиент кутиб ўтиради. Кун бўйи изғиб-изғиб, бир сўмни топгунча, она сути оғзига келади. Буям эркак учун иш бўлди-ю, аммо чапаничасига бир тепиб қоламан — накаут!

— Ў ш а н а қ а усталигингиздан бирингиз икки бўлмай турибди-да.

— Сен эшитмабсан-да, ўша куни Тайсондан нега рингга қайтаганини сўраганда «Тирикчилик, ака, бу ёқда пул ҳам тугаяпти», деди. Мен ҳам битта-иккитасини рингга чақириб қўйганман. Спонсорлар яхшигина пул ваъда қилишаяпти. Таваккал қилайми, деб турибман.

— Ҳа, таваккал қилинг, кейин ўтирайлик, бир чўқим донга ҳам зор бўлиб. Аввал мозорбошига боришга уялардим, энди, нима қилай айланайлар, деб... Ўша ёқда тупроқ чўқиб юраверамаи.

— Биласанми бу йил ҳам буёғини айтсам бизнинг мучал йилимиз. Демак — бу йил дон-дун сероб, мўл-кўл бўлади. Ҳозир ўлгунча уришиш йўқ-ку, хотин. Накаут бўлгунча. Каттароқ пул ишлаб олсам, машинани арендага эмас, нақд пулга сотиб оламан. Агар етса, янги чиққанидан, «Лазетти»дан оламан. Квартирани ҳам алмаштирамиз. Хуллас, рингга чиқиш олдидан бир ғулфатлар билан, а, лаббай?

— Чойхонангизга ўт тушсин, тутуни чиқсин, — дея қоқиллай кетди Мурчамиён. — Уйда бир тишлам дон йўқ. Бу киши бўлса,..

— Менга қаранг, онаси, — Бабақбой энди хотини, вафодори Мурчамиён Сатангбоеванинг қошу киприкларига қўйган пардоз-андозларига тикилиб туриб, ийиб кетди. Тумшуғи деярли каппа-каппа очилиб, ёпилмай қолди. — Бу, жуда ўзгариб кетибсанми? Ваҳ, ваҳ, қаердан бунақа,.. чиройли бўлиб олдинг? Сени, ийе, сизни танимай қолдим.

Бундан руҳланган, кўнгли тоғ қадар кўтарилиб кетган Мурчамиён Сатангбоева кўкраклари янада керилиб:

— Шунақа-да, эътибор бермайсиз. Мен бўлсам, емай-ичмай, фақат тоза духилардан, памадалардан, тенлардан пардозлансам-у, сиз бўлса...

—, Ваҳ-ваҳ, сенга қайта уйланиб олишим шарт эмасми? Яна мендан яширкча...

— Ўзингизникиман, — дея кулиб туриб, Бабақбой Даканғбоевнинг елкасига қанот-қўлларини қўйиб, эркаланди. — Сизни ёлғизлатиб қўймайман, жиннивойим.

— Оҳ, оҳ, ўзим ўргилиб кетай, бақбақаларингдан, — деди кеча уйланган куёвдай анча тетикланиб Бабақбой.

— Акагинанг айлансин, вафодоргинам.

— Яна бир нималар демоқчимисиз?.. Айтаверинг, тортинманг, — деди Мурчамиён баттар эркаланиб, деярли устига ётиб олгундай бўлиб. — Ўзимнинг хўрозим...

— Айтаверайми?..

— Айтинг, айтинг, юрагимнинг парчаси...

Филдай ғўдайиб турган Бабақбой бир пасда донини олдириб қўйган чумоли ҳолига тушиб қолди:

— Шу, чойхонага, ошга қўшишга пулим бор-у, йўлкирага етмаяптида, уч юз сўм бериб туролмайсанми, йигирма сўм ўзимда бор.

Зоир ЗИЁ

ЯНГИ ЙИЛ — ДИЛЛАРНИНГ МАЁҒИ ҚАДАР, ЯНГИ АҲД-ОРЗУЛАР ОЛДИНГА БОШЛАР!

Билиб қўйган яхши!

ҚОРБОБО БИЛАН ҚОРҚИЗ

қандай пайдо бўлган ёхуд янги йил тарихи

Янги йил. Уни Ер куррасининг барча — қарийиб 7 миллиард аҳолиси ўзига хос удумлар, одатлар билан турли муддат ва мавсумларда кутиб олишларини ҳамма муштарийлар ҳам билишмаса керак.

Тўғри, Янги йилни барча мамлакатлар аҳолиси 31 декабрда нишонлашавермайди. Чунончи, Англия, Дания, Нидерландия мамлакатларида Янги йил фақат Исо пайғамбар туғилган куни — 7 январда нишонланади. Асрлар давомида нишонланиши одатга айланган бу байрам куни одамлар черковларга бориб, шамлаб ёқиб, ибодат қилади. Чунки халқ расм-русумига кўра, байрам шундай нишонласагина уларга бахт ҳамиша ҳамроҳ бўлармиш.

Жанубий Африкада ҳам Янги йил жами ҳосил йиғиштирилиб бўлгач, 15 августда нишонланади. Ҳиндистон халқи эса Янги йилни ҳар йили 13 апрелда байрам қилади.

Оврупо, Осиё ва АҚШда аҳоли Янги йилда шампан виносини очиб, қадаҳларни қўлга олиб, бир-бирларига дил сўзларини изҳор қилиш, телефон орқали табриклаш яхши одатга айланган.

Аслида Янги йилни 31 декабрда нишонлашга ким асос солганлигини билиш ҳам фойдадан холи эмас.

Россия ҳукмдори Петр I мамлакатнинг турли ўлкаларида турли мавсумларда Янги йилни қандай нишонланишини кузатган ва бунинг оқибатида экинларнинг ҳосили нобуд бўлаётганлигини, қолаверса, иқтисодиётга катта зарар келтирилаётганлигини ҳисобга олиб, ўзининг 1699 йил 30 декбрдаги фармойишида:"-Русиядаги умумий мавсумий шароитларни ҳисобга олиб, Янги йил 31 декабрда нишонланиб, 1 январдан Янги йил деб ҳисоблансин", дея кўрсатиб ўтган.

Бу муддат Ғарбий Оврупо мамлакатлари ва бошқа давлатлар аҳолиларининг ҳам айни муддаосига айланди.

Жаҳон халқлари ўзларининг миллий менталитетларидан келиб чиқиб, Янги йилни турлича кутиб олса-да, уларнинг умуминсоний орзулари, дил изҳорлари, бир-бирларига айтадиган тилаклари бир хил, яъни мамлакатга, хонадонларга тинчлик, хотиржамлик, бахт, иқбол тиланади, уларнинг азалий орзулари амалга ошиши изҳор этилади.

Янги йил арчасини безаш 300 йил аввал пайдо бўлган. Арча уй олдига ўрнатилиб, унга ўйинчоқлар билан бирга гўшт, нон, пирог ва бошқа ширинликлар осиб қўйилган. Атрофида оила аъзолари қўшиқлар айтиб, рақсга тушишган. Кейинчалик Россиянинг шафқатсиз қиши туфайли арчани уй ўртасида ясатиб нишонлаш одатга айланган ва бу удумлар бошқа мамлакатларга ҳам тарқалганди.

Арча — саломатлик, умрбоқийлик, ҳамиша ёшлик тимсоли бўлиб ҳисобланган. Шунинг учун ҳам у асрлар давомида азалий удумга айланган.

Барча тимсолларнинг ўз ижодкорлари бўлганидай, Қорбобо ва Қорқиз тимсолларининг ҳам ўз ижодкори бор.

Бу воқеа 1862 йили Австриянинг маркази, яъни пойтахти — Вена шаҳридаги миллий опера ва балет театрида содир бўлди. Бу ерда жаҳон операси ривожига ўз ҳиссасини қўшган Моцартнинг "Фигаронинг тўйи" операси декорациясини берилиб чизаётган иқтидорли мусаввир Морис фон Швиндтнинг хаёлига бирдан бир фикр келиб қолди. У чизишни дарҳол тўхтатди-да, "Қорбобо", "Жаноб қиз ва Қорқиз"ни дарҳол қоғозга чизди.

Буни қарангки, 31 декабрда Вена опера ва балет театрида оқ пўстинли, қўлида ҳасса билан қопчасида совғаларни олиб кетаётган Қорбобо ролини унинг ижодкори, мусаввир жаноб Морис фон Швиндт ўйнаб, актёрликда ҳам ўз маҳоратини намойиш этди ва санъат саҳифаларида ўчмас из қолдирди. Унинг тасаввурида Қорбобо эски йил, Қорқиз кириб келаётган Янги йил тимсолидир.

Буни қарангки, 141 йилдирки, Ер куррасининг барча мамлакатларида Қорбобо ва Қорқиз тимсолларини энди энг машҳур, элга танилган санъаткорлар ижро этиб, миллионлаб болакаю ўқувчиларга, табаррук отахон, онахонларга қувонч бағишлаб, уларнинг қалбларига қувончу шодлик бағишламоқда.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади



Янги йилни янги муваффақиятлар билан кутиб олаётганлар орасида Қашқадарё вилоятининг Миришкор туманидаги "Жейнов" ширкат хўжалигига қарашли сутни қайта ишлаш цехининг ишчан жамоаси ҳам бор.

Суратда: цехнинг илғор ишчилари Гулчинор Ёмғирова билан Муяссар Нафасова.
Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат

Ойнаи жаҳонда кўринг

ЯНГИ ЙИЛ ОҚШОМИДА

Яқинда Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг Бадиий кенгаши ташаббуси билан телеканаллар тайёрлаган Янги йил байрами теледастурларининг муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган жамоатчилик кўриги бўлиб ўтди. Нуфузли бастакорлар, шоир ва адиблар, бадиий сўз усталари, санъаткорлар, маданият ва фан арбоблари, журналистлар, Бадиий кенгаш аъзолари, мутахассислар ҳамда тегишли идора вакилларидан ташкил топган кўрик ҳайъати ҳар бир телеканалнинг янги йил оқшомида бериладиган байрам дастурини атрофлича муҳокама қилиб, фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Айниқса, «Ўзбекистон» телеканалининг «Марҳабо, Янги йил», «Ёшлар» телеканалининг «Ёшлар оқшоми», «ТТВ»нинг «Янги йил оқшомлари», «Спорт» телеканалининг «Полвонлар даврасида» байрам дастурлари йиғилганларда катта таассурот қолдириб, бу кўрсатувларнинг томошабинларга ҳам манзур бўлиши алоҳида таъкидланди.

Янги йил кечасини ҳар бир оила телевизор ёнида жамул-жам бўлиб қаршилаши одат тусига айланиб қолган. Шу боис телевидение ижодкорлари бор маҳоратларини ишга солиб, дастурни ҳар томонлама қизиқарли ва сермазмун қилиб тайёрлашга уринишган. Шу куни бутун йил давомида залворли ютуқларга, юқори натижаларга эришган юртдошларимиз — зиёлилар, тадбиркору деҳқонлар, илм-фан намояндалари, ёшлар, спортчилар, маданият ходимлари, қариялар, хотин-қизлар байрам дастурларида иштирок этишиб, ўз муваффақиятларини ўзаро ўртоқлашадилар, Янги йил тилакларини билдирадилар. Ўтган йил 2004 йил, яъни, — «Меҳр ва мурувват» йили сарҳисоб қилинади.

Янги йил оқшомига бағишланган дастурларда Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Давлат мукофоти соҳиблари, жаҳон чемпионлари, халқимиз эъзозига мушарраф бўлган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий ваколотхоналар ва чет эл коимпаниялари вакилларининг байрам тилаклари телетомошабинларга хушкайфият бағишласа, мустақиллик йилларида бунёд этилган муҳташам саройлар, замонавий бинолар, равон йўллар, янги кўприклар ҳақидаги лавҳалар дастурларнинг янада жозибадор бўлишига ҳисса қўшган.

Табиийки, шу куни энг сара куй-қўшиқлар, бетакрор рақслар, ичакузар ҳазиллар, турли кўнгилочар томошалар ҳарқандай кишининг қалбини қувончга тўлдиради.

Кўрик ҳайъати байрам дастурларини тайёрлашда телеканалларнинг эришган муваффақиятлари билан бир қаторда айрим жузъий камчиликлари борлигини ҳам айтиб ўтди. Ҳисобга олинган бу фикр-мулоҳазалар асосида теледастурлар қайта кўриб чиқилиб, мазмунан янада бойитилди.

Ҳазратилло РЎЗИЕВ, «Адолат» мухбири

ЙЎЛ ҲАҚИ 50 СЎМ

Янги йил арафасида 46 та "Отайўл" русумдаги автобуслар Наманган шаҳрида йўналишларга чиқарилди.

Йўлкира нархи 50 сўм. Қонуний имтиёзи бор нафақахўрлар ҳамда мактаб ўқувчилари учун бепул. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари йўл ҳақининг 50 фоизи, яъни 25 сўм миқдорида йўлкира тўлайдилар, холос.

"Отайўл" автобуслари учун махсус малакали ҳайдовчилар танлаб олинди. Улардан қатъий жадвалга биноан белгиланган йўналишнинг уддасидан чиқиш ва йўловчиларга кафолатланган сифатли ҳамда маданиятли хизмат кўрсатиш талаб қилинади. Давлат эътиборида бўладиган бундай хизматни қўмсаб юрган ҳамюртларимизнинг жамоат транспортидаги беқарорликдан, хусусий мулкдорларнинг пала-партиш хизматидан кўнгиллари тўлмай келаётган эди. Айниқса, "Дамас" ҳайдовчиларининг оғзига сиққан йўлкирани сўраши кўпчиликка малол кела бошлаганди. Муаммоний ечими ўзидан чиқарилди.

Келгуси йилнинг биринчи чорагида вилоят йўналишларига яна элликта ана шундай автобуслар қўйилади, — деди Наманган "Отайўл" масъулияти чекланган жамияти раиси Латифжон Камолов. — Мақсадимиз халқимиз учун арзон ва сифатли хизмат кўрсатишдир.

Иномжон УЛУҒБОЕВ, "Туркистон-пресс"

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ҚОРБОБО КЕЛАДИ

(Ҳикоя)

— **Қорбобо қаерда?**
— **Ўрмонда**
(Жиянларимнинг суҳбатидан)

Ҳовлимиз Куйтан тоғининг арчазор ёнбағрида бўлиб, тевараги пастак девор билан ўралганди. Лекин, айвондан туриб қарасангиз, деворлар кўринмайди: дарахтлар шунақа қалин. Бу дарахтлар орасида бир туп арча ҳам бор эди.

Мен шу ҳовлида тўрт фаслни кузатиб, тўрт фаслни қаршиладим. Лекин, булар орасида энг яхши кўрганим — қиш фасли эди. Гап шундаки, мен қиш маҳалида, қиш бўлганда ҳам қирчиллама кунида, биринчи январга ўтар кечаси, Қорбобо келишидан сал олдин туғилган эканман. Шунинг учун мендан бирон киши, дунёга келиб, кўзини очиб, илк бор кўрган нарсанг нима, деб сўраса, онамдан кейин қишни, қорни, Қорбобони кўрганман, дейман. Хуллас, бу тўртталасини ҳам яхши кўрардим.

Бироқ, кўп ўтмай буларнинг биттасига шубҳа туғилди-ю, ҳаммасига бўлган муҳаббатим шубҳа остида қолди.

Ҳовлимиз этагидаги дўнглик устида жойлашган мактабда Янги йил байрами бўлди. Қорбобо келади, деган гапни эшитибоқ, ўша ёққа қараб учдим.

Мактаб зали, ўртада арча... Атрофда ўқувчилар. Ҳаммасининг оғзи қулоғида. Байрам!

Ниҳоят, Қорбобо келди! Оппоқ кийинган, соқоллари ҳам оқ. Қўлида саватча. Унда турли-туман, қизиқ-қизиқ ўйинчоқлар... "Байрамларинг муборак!" деди Қорбобо. У узоқ юртлардан, нотаниш болалардан салом айтди, кейин бизга совғалар улашди, кейин кетди... Кетди!

— Қаерга кетдилар? Қаерга? — деб сўрадим.

Кимдир:

— Ўрмонга, — деди.

— Ўрмонга! Нимага ўрмонга кетадилар?

— Қорбобо ўрмонда яшайди.

Мактабдан чиқиб, топталиб, сарғайиб қолган қорли сўқмоқдан ҳовлимизга борарканман, ўрмонга қарардим.

— Қорбобо ўрмонга кетди! — дедим онамга.

Онам кулимсиради.

— Қачон келадилар?

— Янаги Янги йилда.

Мен кута бошладим. Баҳорда ҳам, ёзда ҳам, кузда ҳам кутдим. Яна қор тушди. Яна Янги йил келди. Мактабга югурдим. Ўша зал. Ўқувчилар. Арча... Яна Қорбобо келди! Бизни табриклади, саломлар айтди, совғалар берди, яна... кетди!

Ташқарига чиқиб, ўша қорли сўқмоқдан атрофга аланглаб, уйга бораётгандим, ўқувчиларнинг гапини эшитиб қолдим:

— Мана, Қорбобо. Шу одам — Қорбобо.

— Қани? — сўрадим мен аланг-жаланг бўлиб.

— Анови кетаётган муаллим-да.

— Ёлғон! Қорбобо ўрмонга кетди.

Болалар мендан кулишди, мени мазах қилишди.

— Нега Қорбобонинг ўзи келмади?

— Келибди-ку мактабга.

— Йўқ. У одам муаллим экан. Болалар шунақа деди.

— Шунақа бўлади-да расми, — деди онам.

— Нега? — алам билан қичқирдим мен. — Ахир у киши Қорбобо эмас-ку. У киши муаллим-ку! Қорбобо ўрмонда-ку!

Онам менга қараб турди-да:

— Рост, Қорбобо ўрмонда. Бу киши — муаллим, — деди.

— Нега келмадилар ўзлари?

— У киши бошқа мактабларга кетган.

Қувонганимни кўрсангиз! Ҳовлига чиқдим. Деворлан оша ўрмонга рўпара бўлдим. Совуқда дийдираб: "Қорбобо, нимага келмадингиз?" дедим. Назаримда, у киши жавоб бергандай бўлди: "Келгуси йил келаман!"

Лекин, келгуси йили ҳам келмадилар. Ундан кейинги йилларда ҳам. Бу орада ўзим ҳам ўқувчи бўлдим ва тушундим: Қорбобо деган киши ўрмонда бўлмас экан, ўшанда мени алдашган экан, ўзим-ўзимни алдаб юрган эканман. Лекин барибир ишонмасдим: Қорбобо бор, у ўрмонда яшайди, янги йилда келади, совғалар олиб келади, табриклайди, деб ўйлар эдим. Шуни ўйласам, ўрмон ҳам, янги йил ҳам, туғилган куним ҳам, қиш ҳам, ҳаммаси сирли бўлиб кўринарди, ёш боладай қувонар эдим. Қорбобо йўқ, десам-чи? Сир ғойиб бўлар, ўрмон-ўрмондек, қиш-қишдек, янги йил — шунчаки бир байрамдек, туғилган куним эса, туғилишим керак бўлган бир кундек туюлар, юрагим бўшаб қоларди. Сўнг яна зўр бериб шивирлардим ўзимга: "Қорбобо бор... у ўрмонда..."

Мана, ўсмирликдан ҳам ўтиб қолдим. Қишлоғимдан, мактабимдан, ҳовлимиз, ўрмонимиздан йироқдаман. Энди кўп нарсага ақлим ҳам етади. Киши ўзини-ўзи алдаши яхши иш эмаслигини биламан. Лекин нима қилай? Ҳамон ўша иккиланиш бор менда. Ҳатто, энди кўпроқ ишониб қолганман: "Қорбобо бор, у ўрмонда, у совға-салом олиб келади, у бизни табриклайди..."

Билмадим, бу хаёл чол бўлиб букчайиб қолганимда ҳам ўзгармаса керак.

ЯНГИ ЙИЛГА МУНОСИБ ТУҲФА

Учқўрғон туманидаги Каттачек қишлоғида янги йил арафасида қишлоқ врачлик пункти (ҚВП) ишга тушди. Давлат бюджетидан 96 миллион сўм сарфлаб бунёд этилган ушбу кўркам бино замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.

Қўғай қишлоғининг 4600 нафар фуқаросига эндиликда малакали терапевт, педиатр, акушер-гинеколог, стоматологлар ва 8 нафар ҳамшира хизмат кўрсата бошлайди. ҚВП тезкор таҳлил учун лабораториялар, 4 ўринли кундузги стационар ва дорихонага эга.

Иномжон УЛУҒБЕКОВ

РАССОМ ХАНДАСИ



Изоҳга ҳожат йўқ

Алп ЖАМОЛ

ЖАНЕТТА

(Интермедия)

(Раҳима чойга ҳозирлик кўряпти)

Маҳмуд — Чойни тезроқ олиб келақол, хотин. Бугун ишга барвақтроқ бораман.

Раҳима — Бугун байрам-ку. Байрамда ҳам уйда ўтирмайсизми?

Маҳмуд — Менга қолсаку жон деб уйда ўтирардим-а. Биз ошхона ходимлари байрам кунлари яхши хизмат кўрсатмасак бўладими? Нима бўлди, яна таъблари ранжиганроқ кўринади.

Раҳима — Билиб юрибман, шу кунларда айниброқ юрибсиз. Мени ҳурмат қилмасангиз болаларингизни ҳурмат қилинг.

Маҳмуд — Тағин нима бўлди, чап ёнинг билан турдингми! Хотин! Эрталабдан терговни бошлавординг. Биздан яна қанақа гуноҳ ўтди?

Раҳима — Кечаси уйқунгизда алаҳсираб, Жанетта, Жанетта, деб чақирдингиз. Ким у Жанетта?

Маҳмуд — **(кулади)**. Жанетта дедимми? Жанетта, Жанетта, у ошхонанинг мушуги. Билсанг, ошхонада сичқон кўп бўлади. Яқинда бир оғайним чиройли мушук олиб келди. Мен уни Жанетта деб чақираман. Қурғур жуда чиройли мушук-да, менга шундоқ ўрганибдики, ёнимдан жилмайди. Шунга ҳам рашк қилдингми, оббо, сеней, хотин-ей, у ошхонанинг мушуги.

Раҳима — Ошхонанинг мушуги эмиш. Ошхонанинг мушуги тушингизга кирибди-да, Жанетта, мана бу жемперни сенга олиб келдим, деб, аллақандай хушомад гапларни айтиб, бирдан кулиб, бирдан йиғлаб, ашула айтасизми-ей?

Маҳмуд — Ашула? Қанақа ашула?

Раҳима — Қанақа ашула бўларди:

"Кетма ёрим йироққа, Мени ташлаб фироққа" — деб.

Маҳмуд — Туш-да, хотин, тушда одам босинқирайди, алжирайди. Шунга ҳам терговми? Бор, болаларни уйғот. Ясантириб циркка олиб бор. Музқаймоқ олиб бер. Ундан кейин келиб, хоҳлаган таомларингни пиширибенглар. Мен кеч қайтаман... (эркалаб.) Ўзимнинг сергумон хотиним. (Кулиб ойнанинг олдига боради. Шу пайт телефон жиринглайди. Раҳима турбкани олади).

Раҳима — Алло... Маҳмуд аканинг уйлари... Ҳа... ҳа... Менми? Мен опалари бўламан... Чақирайми? Ким сўраяпти дей?

Маҳмуд — Ким?.. Нега опалариман, дейсан? Ким у?

Раҳима — **(трубкани узатиб кулимсираб)**. Ошхонанинг мушуги. Жанетта сўраяптилар.

Маҳмуд — А, Жанетта? **(турбкани олиб)**. Пишт! Пишт, пиште!!!

ЭЪЛОН

"Адолат" газетаси таҳририятининг барча ходимлар билан тузган шартномаси 2004 йил 31 декабрдан эътиборан бекор қилинди. Шунингдек, жамоанинг ҳамма аъзоларига берилган хизмат гувоҳномалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ТАҲРИРИЯТ

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Рустам АҲМАДАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Анвар ЖЎРАБОЕВ, Равшан ХАЙДАРОВ, Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Каримжон РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Бобоқул ТОШЕВ, Рустам АЗИМОВ, Турғун ЭРГАШЕВ, Ўткир ЖЎРАЕВ, Муҳаммад РАҲМОН, Низомиддин НУРМАТОВ, Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ

телефонлар:
Қабулхона-136-53-14,
Факс: (8.371) 133-41-89,
Сиёсат ва партия ҳаёти-136-55-96,
Хатлар бўлими — 136-55-64,
Маънавият, адабиёт ва санъат-136-55-64
МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 016 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма Г— 200,
Ҳажми—2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи — Вилоят ШОДИЕВА

Газета ИВМ компьютерида терилди.

Босишга топшириш вақти—

• Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. • Реклама ва эълонлар ҳаққонийлиги учун буюртма берувчи масъулдир. • «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади. t Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади. • Газетанинг сифатли босилишига босмахона масъул. • Қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва жавоб берилмайди. 1 2 3 4 5